O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 18 декабрь, шанба • № 99 (11.182) • Эркин нархда сотилади

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

**• НАВОИЙ**

*Навоийда тўқсон икки миллат ва элат вакили истикомат қилади. Турли олам бўлгач, фикрлар ҳам турлича бўлади, аммо бир масалада улар ҳамиша яқдил — ўз йўлбошчисини севади.*

*16 декабрь куни Ислом Каримов вилоятга ташриф буюрганида, унинг истиқболига чиккан ва йўлнинг икки четини тўлдириб турган кишиларнинг чеҳрасида фақат шуни — меҳру муҳаббат ифоласини кўриш мумкин эди.*

Бугун халқимиз Ислом Каримов сиймосида ўзининг, фарзандларининг, орзу-ҳавасларининг, осойишталигининг ҳимоячисини кўради ва буни қатъият билан айтмоқда. Ўтган ўн йил ичида Ислом Каримов ўзининг миллатпарварлиги, салоҳияти ва буюк келажакка ёлқинли интилиши билан юраклардан жой олди.

Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг Навоий вилояти сайловчилари билан учрашувида ҳам бу эътироф бот-бот айтилди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Навоий округ сайлов комиссияси раиси Баҳриддин Рўзиев очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Навоий кўз касалликлари касалхонаси бош шифокори Ўткир Мавлонов Ислом Каримовнинг ҳаёт йўли ва сайловолди дастури билан учрашув қатнашчиларини таништирди. Ишончли вакил мамлакатимиз учун ўта оғир даврда раҳбарлик фаолиятини бошлаган Ислом Каримовнинг миллий истиқлол ва давлатчилик асосларини барпо этиш, Ўзбекистоннинг буюк келажаги пойдеворини яратиш йўлида амалга оширган кенг кўламли ишларига алоҳида урғу берди.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз вилоят саноати мамлакат салоҳияти ва ишлаб чиқариш соҳаларида салмоқли ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоят иқтисодиётига қарийб 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармоя жалб этилганлиги, «Навоий-Султон Увайс-Нукус» темир йўли, Учқудуқдаги халқаро аэропорт қурилиши жадаллик билан олиб борилаётганлигига тўхталиб, бу иншоотлар ишга тушгач, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилишини қайд этди.

Ислом Каримов қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларга тўхталиб, бу йил вилоятда 121 минг тонна пахта, 89 минг тоннадан ортиқ ғалла ҳосили етиштирилгани ва режа ортиғи билан бажарилганини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари вилоят чорвачилигидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил этар экан, бу соҳада ҳам ўсишга эришилгани, вилоят шаҳар ва қишлоқларини тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш борасида муайян ютуқлар қўлга киритганига эътиборни жалб қилди. Ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг 72,4 фоизи табиий газ, 64 фоизи тоза ичимлик сув билан таъминланган.

Шу билан бирга, Ислом Каримов қайд этганидек, ҳали вилоятда ишсизлик, қишлоқда ижтимоий ва саноат инфратузилмасини, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида муаммолар мавжуд, уларни ҳал этиш учун имкониятлар бор.

Давлатимиз раҳбари 2000 йил соғлом авлод йили деб эълон қилинганига диққатни қаратиб, ёш авлодимизнинг соғлом, баркамол бўлишини таъминлаш — бизнинг асосий вазифамиз бўлмоғи кераклигини уқтирди.

Учрашувда сўзга чиққан меҳнат фахрийлари Ахтам Хотамов ва Аҳназар Умаров, Навоий давлат Кончилик институти илмий ишлар бўйича проректори Саодат Бозорова, Қизилтепа тумани «Бухоро» ширкат хўжалиги раиси Владимир Шашурин, Навоий Давлат Педагогика институти талабаси Соҳиба Тоирова мамлакатимизда миллатлараро тотувлик мустаҳкамланаётгани, ёшларимизнинг униб ўсиши учун шарт-шароит яратилгани, аждодлар мероси, тарихий қадриятлар тикланаётганини таъкидлаб, буларнинг барчасида Ислом Каримовнинг улкан хизматлари мужассам эканлигини, шу боис мамлакатимиз келажагини унинг номисиз тасаввур қила олмасликларини айтишди.

Шу куни Ислом Каримов Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси билан ҳам учрашди.

Ислом Каримов учрашувда сўзлаган нутқида Навоий кон-металлургия комбинати мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутишини, оғир меҳнат шароитига қарамай, унинг жамоаси ўтиш даврининг синовларини енгиб, қимматбаҳо металлар, кимёвий ўғитлар, машинасозлик ускуналари ишлаб чиқаришни тобора ошириб бораётганини қайд этди.

**(ЎзА).**

*ВИЛОЯТИМИЗНИНГ барча шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Барча сайлов участкалари Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, дастурлари, зарур плакатлар билан таъминланган. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари учун етарли имкониятлар яратилмоқда. Турли сайловолди тадбирлари ўтказилаяпти.*

*Суратда: Ғазалкент шаҳрининг маданият саройида жойлашган сайлов участкаси масъул котиби Собир Нуримбоев (чапдан учинчи) сайловчилар билан мулоқотда.*

**Владимир ПОРТНОВ олган сурат.**

## ВИЛОЯТ ҳаёти

• ЗАНГИОТА туманидаги 19-ўрта мактабда Ватан ҳимоячилари куни (14 январь) олдидан ўтказилаётган оммавий ватанпарварлик ойлиги доирасида «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас» мавзуида чақирилув ёшидаги ўқувчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар ёшларни оммавий ватанпарварлик ойлиги дастуридан ўрин олган спорт мусобақалари, ҳарбий хизматчилар билан учрашув ва ҳарбий музейларга экскурсияларда фаол қатнашишга даъват этдилар.

• ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати жамоаси турли хайр-эҳсон тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Чунончи, қарияларнинг Оҳангарондаги саҳоват уйига кўп йиллардан бери оталиқ ёрдами бериб келяпти. Бундан ташқари, 100 нафар пенсионерга ҳар ойда пул тарқатилмоқда. Кончилар яқинда бўлиб ўтган ногиронлар куни муносабати билан республика ногиронлар жамиятининг вилоят бўлими ҳисобига 100 минг сўм маблағ ўтказишди.

• ОҲАНГАРОНДА ўтган йили ташкил этилган «Агросармоя» фирмаси фаолиятини тобора кенгайтириб бормоқда. Тумандаги ўн учта фермер хўжаликлари, қатор тадбиркорлик тузилмалари биргаликда барпо қилган фирма фермерларга қишлоқ хўжалик техникаси билан ёрдам бермоқда. Ҳозир унинг тасарруфида 40 миллион сўмлик турли техника воситалари бор. Яқинда фирма Франция қишлоқ хўжалик вазирлиги билан шартнома тузди. Унга мувофиқ Францияда етиштирилаётган турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг уруғлари Оҳангарон тумани шароитларида ҳам синаб кўрилади.

• ВИЛОЯТИМИЗДА хотин-қизлар учун ишчи ўринлари яратиш «Оила» дастури асосида олиб борилмоқда. Хусусан, бу борада Оҳангарон, Тошкент, Зангиота, Қибрай туманларида самарали тадбирлар амалга оширилди. Ўртачирчиқ туманида эса, уй бекалари ўз хонадонларида тикувчилик, тўқувчилик ишларига жалб этилдилар. Уларга «Ана Текстиль КОЛТД» ва «Ўзбек-Кабул текстиль» қўшма корхоналари ҳомийлик қилмоқда.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Япония халқаро ҳамкорлик банки бошқарувчисининг ўринбосари ва бошқарувчи директори Йосеки Нагасени қабул қилди.***

Меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, давлатимиз раҳбари мазкур банкка ва у орқали бутун Японияга ўз эҳтиромини изҳор этди.

Японияннинг мазкур банки Ўзбекистондаги муҳим лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Куни кеча Вазирлар Маҳкамасида Й. Нагасе билан бўлиб ўтган учрашувда янги кредит битимлари имзоланди. Мазкур битимлар Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларини замонавийлаштириш, мамлакатимиз телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш бўйича шу пайтга қадар амалга ошириб келинаётган ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг иккинчи босқичини молиялаштиришни кўзда тутади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония халқаро ҳамкорлик банки ўртасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириш, янги лойиҳалар тузиш ва ҳаётга тадбиқ этиш борасида ўзаро фикр алмашилди.

**ЎзА.**

## АКАДЕМИЯДА ЭЛЧИХОНА КУНЛАРИ

***ЎЗБЕКИСТОН Бадиий академияси ҳаётида янги восита — элчихона кунларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бунда хорижий давлатларнинг юртимиздаги элчилари ўз ходимлари билан биргаликда академияга ташриф буюриб, бу ерда ташкил этилган кўргазмалар билан танишмоқда.***

Айни пайтда Бадиий академия маъмурияти билан кўргазмаларни ўз мамлакатларида намойиш этиш тўғрисида шартнома тузмоқда. Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Бхаскар Кумар Митра жаноблари бошлаб берган бу ташаббусни бошқа давлатларнинг элчилари ҳам қўллаб-қувватлаяпти.

Бунинг натижаси ўлароқ бир қанча хорижий давлатларда таниқли рассомларимизнинг шахсий кўргазмалари ташкил этилади. Жумладан, Германияда Неъмат Кўзибоев, Америка Қўшма Штатларида Анвар Мамажонов, Японияда Леким Иброҳимов ва Марат Содиқов, Миср Араб Республикасида эса Ўзбекистон ёш рассомларининг кўргазмалари намойиш этилади. Бу эса давлатимиз тасвирий ва амалий санъати шуҳратини ошириш, мўйқалам усталарини жаҳонга танитишда муҳим омил бўлади.

**Б. МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЭРТАГА ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИЛАДИ

*Аввал хабар қилганимиздек, эртага — 19 декабрда вилоятимиз ҳудудидаги катор округларда Олий Мажлис ва халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайловлар бўйича такрорий овоз бериш ўтказилади. Шу аснода мазкур жараённинг моҳияти, уни ўтказиш шартлари ҳусусида саволлар туғилиши ўринли, албатта.*

Бевосита такрорий овоз бериш ҳақида гап юритишдан олдин, сайланиб бўлган депутатлар тўғрисида тўхталмоқчимиз. Вилоятимизда 54та сайлов округи бўйича Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига номзоди қўйилган 195 кишидан 41 нафари 5 декабрдаги сайловларда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини тўплаган ҳолда депутатликка сайланди. Бунда Фидокорлар миллий демократик партиясидан 2та, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 7та ҳамда ҳокимият вакиллик органларидан 30та номзод депутат этиб сайланишга муваффақ бўлди. Турли хил ташкилотлардан номзодлари қўйилган депутатларнинг бештаси аёллардир.

Вилоят сайлов комиссияси қарори билан эртага — 19 декабрда ўтказиладиган такрорий овоз бериш 13та сайлов округида ўтказилади. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ тегишли округларда такрорий овоз беришни ўтказиш асосий сайловлар натижаларига кўра, агарда сайлов округи бўйича депутатликка 2 нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлсаю, улардан бирортаси ҳам овозларнинг тегишли сонини ололмасдан сайланмаса белгиланади. Бундай округларда такрорий овоз бериш биринчи турда энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади ва бу хусусда сайловчилар олдиндан хабардор қилинади. Юқоридаги қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда такрорий овоз бериш икки ҳафта ичида ўтказилади. Шундай қилиб, вилоят сайлов комиссиясининг қарори билан такрорий овоз бериш депутатлар сайланмаган 13та сайлов округи бўйича бўлиб ўтади ва у эртага — 19 декабрь, якшанба куни ўтказилади.

Қайси округларда депутатлар сайлангани ва қайсиларида такрорий овоз бериш ўтказилиши тўғрисида газетамизнинг олдинги сонида маълумот берганмиз. Унга кўра такрорий овоз бериш вилоятимиздаги 1-«Нурчи» (Анрен), 7-«Наврўз» (Олмалиқ), 9-«Кўрпасой» (Олмалиқ), 12-«Шифокорлар» (Чирчиқ), 13-«Тикувчилар» (Чирчиқ), 15-«Янгиобод» (Ангрен), 21-«Бўстон» (Бўка), 26-«Қатортол» (Зангиота), 44-«Қизғалдоқ» (Тошкент), 48-«Чиноз» (Чиноз), 49-«Олмазор» (Чиноз), 51-«Жумабозор» (Юқоричирчиқ), 52-«А. Ортиқов» (Янгийўл) сайлов округларига кирувчи сайлов участкаларида ўтказилиши маълум қилинган эди.

Мазкур такрорий овоз бериш жараёнларида рўйхатдан ўтказилган кузатувчилар ҳам ўз ваколатларига мувофиқ қатнашиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ишончли вакиллар ҳам ўз вазифаларини бажаришда давом этадилар. Мабодо номзод лозим кўрса, ўз ишончли вакилини алмаштириши ҳам мумкин. Бироқ такрорий овоз беришда кузатувчилар сифатида 5 декабрдаги сайловларда қатнашган кишиларнинг ўзлари иштирок этишлари керак.

Овоз беришнинг иккинчи турида такрорий овоз беришда ушбу жараёнда қатнашган сайловчиларнинг энг кўп овозларини олган номзод сайланган ҳисобланади. Бунда такрорий овоз беришни такрорий сайловлар билан аралаштириб юбормаслик жоиз.

Юқорида тилга олиб ўтилган қонуннинг 43-моддасига мувофиқ 54та округ бўйича Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига депутатлар сайлови қонуний тарзда ўтказилган деб ҳисобланди. Шу сабабдан такрорий сайловларни ўтказиш зарурати йўқ.

Шундай қилиб, эртага 13та сайлов округининг тегишли сайлов участкаларида такрорий овоз бериш ўтказилади. Мазкур округлар сайловчилари яна бир бор юксак сиёсий фаоллик кўрсатган ҳолда, ўз фуқаролик бурчларини адо этиб, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига энг муносиб номзодлар учун овоз беришларига ишонамиз.

***Убайдулла АБДУШОҲИДОВ,***
***вилоят сайлов комиссиялари матбуот маркази раҳбари.***

## ВИЛОЯТ ҳаёти

• ОЛМАЛИҚ. Спортнинг таэквондо тури бўйича шаҳар очиқ биринчилиги учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Мусобақаларда вилоятимизнинг Тўйтепа, Бекобод, Оҳангарон каби шаҳарларидан ўндан ортиқ жамоа қатнашмоқда. Улар орасида бир неча турнирларда иштирок этган номдор спортчилар ҳам бор. Ўз вазн тоифасида ғолиб бўлганлар «Олмалиқ ҳақиқати» газетасига 2000 йил учун бепул обуна бўладилар. Шунингдек, уларга ҳомийларнинг махсус совғалари ҳам топширилади.

• ВИЛОЯТ адлия бошқармаси ходимлари йил бошидан буён шаҳар ва туманлардаги қишлоқлар, маҳаллалар, билим муассасаларида ёшлар билан ҳуқуқий, аҳлоқий мавзуларда мунтазам суҳбатлар ўтказиб келмоқдалар. Куни кеча Ўртачирчиқ туманидаги Олимбердиев номли ихтисослашган мактаб-интернат ўқитувчилари жамоаси, ўқувчилар ҳуқуқшуносслар билан навбатдаги учрашувга тўпландилар. «Соғлом авлод тарбияси — келажак пойдевори» мавзуидаги бу тадбирда ёшларнинг жисмоний бақувват бўлишлари билан биргаликда, улар билимдон, юксак маънавиятли, фикран соғлом бўлишлари ҳақида ҳам сўз борди.

Мулоқот иштирокчилари Тошкент Давлат Юридик институти ўқитувчиси Абдуазиз Чўлиевнинг «Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун ҳақидаги ва республика ҳуқуқий тарғибот Маркази бош мутахассиси, юридик фанлари номзоди, доцент Марат Ғуломовнинг «Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқининг моҳияти тўғрисида»ги маърузаларини тингладилар.

• «ОҲАНГАРОНЛИНПЛАСТ» корхонаси меҳнат аҳли шу йилнинг ўзида бешга яқин турдаги қурилиш ашёларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Яқинда корхона янги ҳил сифатли линолеум тайёрлашни ҳам йўлга қўйди.

Бу ҳил маҳсулотни ишлаб чиқаришда Ўзбекистон Фанлар академиясининг кимё институтлари тавсиялари қўл келди. Кимёгар олимлар билан ҳамкорликда корхона мутахассислари рангли пластмассалар тайёрлаш технологиясини яратишга киришдилар.

## МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИДАН БЕБАҲРА ҚОЛМАНГ!

*Вилоятимизнинг бугунги куни, унда кечаётган муҳим воқеалар билан таништириш борасида газетамиз нуфузини бошқа бирор нашр билан киёслаш қийин. Даврий матбуотни ўзбек тилида мутолаа қилувчи муштарийлар учун у Тошкент вилояти ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ягона газета ҳисобланади. Колаверса, саҳифаларида турфа мавзудаги долзарб, ўқишли, қизиқарли материаллар чоп этилаётгани унинг қадрини янада оширади. Газетхонлардан келиб турган мактублар, таҳририятга қилинаётган кўнгироқлар шундан далолат бермоқда.*

Ана шу газетанинг келгуси йилда ҳам бир маромда, кўнгилдагидек чиқиб туриши бевосита муштарийларнинг ўзларига ҳам боғлиқ. Бу ўринда нашримизга вақтида обуна бўлиб, газетанинг молиявий таъминотини олдиндан ҳал этиб қўйишни назарда тутмоқдамиз. Хўш, бу борада бугунги аҳвол қандай?

Обуна мавсуми бошланиши арафасида таҳририятимиз бу масала билан жиддий шуғулланди. Аввало, газетхонларни ҳам, таҳририятни ҳам бирдай қаноатлантирадиган обуна нархлари белгиланди. Муштарийларни қийнаб қўймаслик мақсадида, йиллик обуна қийматлари бошқа нашрларникидан жуда паст, энг арзон баҳоларда кўрсатилди. Шунингдек, аввалги йиллардаги ўқувчиларимиз сонидан келиб чиқиб ҳамда вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги нашримизни ўқиши мумкин бўлган газетхонларни инобатга олган ҳолда, вилоят, хусусан, шаҳар ва туманлар миқёсида обунани амалга ошириш режаси тузилди.

Мазкур режага мувофиқ жойларда анча ишлар қилинмоқда. Масалан, Бўкада шу кунгача газетамизнинг келгуси йил сони учун 1915 киши ёзилгани, туманда обуна қабул қилиш ишлари давом этаётгани, бу ишга мутасадди одамларнинг мазкур рақам тобора ўсиб боришига ишонч билдираётганликлари бизни шубҳасиз қувонтиради, албатта. Зангиота, Паркент, Қибрай, Чиноз, Юқоричирчиқ туманларидаги муштарийларимиз фаоллиги ҳам эътиборга лойиқ. Обуна суръатини яна бир оз оширсалар, мазкур туманлар ҳам белгиланган режани уддалашларига шубҳа йўқ.

Аммо, вилоятимиздаги баъзи шаҳар ва туманларда бу ишнинг ғоят суст бораётгани бизни ташвишга солмоқда. Обуначиларимиз сони Ангрен да энди 250тани, Бекобод шаҳрида 210тани ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин? Чирчиқ шаҳридаги муштарийлардан фақат 423тасигина газетамизга обуна бўлгани ҳам бизни ғоят ажаблантирмоқда.

Энг аянчли манзара Ўртачирчиқ (172) ва Бекобод туманларида (74). Бу туманлардаги обунанинг аҳволи шу зайлда кетадиган бўлса, келгуси йилда у ерларда газетамиз ўта камёб нашр бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Обуна мавсумига мутасаддилар ўз туманларида бу борадаги ишларни бўшаштириб юборганликлари, эрта-индин шу минтақадаги аҳолининг савиясига ҳам салбий таъсир кўрсатишини, бугунги пайсалга солиш эртага кўпчиликни вилоят, мамлакат, дунё воқеалари ҳақидаги муҳим маълумотлардан бебаҳра қолишига сабаб бўлишини унутяптилар чоғи. Боз устига нечта газетага обуна бўлганига қараб, жойлардаги аҳоли саводхонлигига баҳо берилишини ҳам унутмаслик лозим.

Бу йилги обуна мавсуми якунланишига ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Газетамизга ёзилишга ҳали улгуриш мумкин. Нашримизга обуна бўлган ҳар бир муштарий бир йил давомида «Тошкент ҳақиқати»ни мунтазам ўқиш имкониятига эга бўлиш билан бирга шу газетанинг молиявий жиҳатдан эркинлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётганини ҳам назарда тутмоқ керак.

Обуна тугашига оз қолди. Фурсат ғанимат, шошилинг.

***ТАҲРИРИЯТ.***

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!**

**АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!**

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча алоқа бўлимларида бошқа нашрлар қаторида «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз, у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади.

***Нашр кўрсаткичларини эслатиб ўтамиз:***
***якка обуначилар учун — 205,***
***ташкилотлар учун — 206.***

## «ВАТАНПАРВАР»:

# МАРДЛАР ШУ ЕРДА ТОБЛАНАДИ

*МУСТАҚИЛ мамлакатимизнинг Қуролли Кучлари халкимизнинг фахри ва ифтихори ҳисобланади. Якинда Ҳамза номидаги академик драма театрида Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг Ватан химоячилари куни арафасида «Оммавий ватанпарварлик ойлиги»ни ўтказишга бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.*

Ўзининг бой анъаналарига эга бўлган Ватан мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти олдида турган вазифалардан бири мустақил мамлакатимиз фарзандлари қалбида Ватанга муҳаббат, садоқат, унинг ҳимояси учун доимо тайёр туришдек юксак фазилатларни қарор топтиришдир.

Бу ташкилотнинг ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, бу ишнинг моҳиятини мазмунан такомиллаштириш, ташкилотнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишлари тақсинга сазовор, албатта.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан 1999 йил 15 декабрдан 2000 йил 14 январигача ўтказиладиган Оммавий ватанпарварлик ойлиги эълон қилингани айни муддао бўлди. Чунки, шу давр мобайнида меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, маҳаллаларда Ўзбекистон тарихи ва Қуролли Кучларнинг иш фаолиятини акс эттирувчи кўргазмали бурчаклар ташкил этилади. Жойларда ҳарбий спорт ўйинларини ўтказиш, бунда «Ватанпарвар» ташкилоти тасарруфидаги ҳарбий техника мактаблари курсантларининг чиқишларини намойиш қилиш, шунингдек, барча турдаги ўқув муассасаларида, ташкилотларда, маҳаллаларда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Хушёрликка даъват», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» асарлари асосида ёшларнинг маънавий тарбияси ва ватанпарварлиги мавзуларида маънавият соатлари ҳамда давра суҳбатларини ўтказиш режалаштирилган. Бу, албатта, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг мақсад ва вазифаларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш имконини беради. Мазкур тадбирнинг ўтказилиши ҳарбий хизматга чақирилувчилар, курсантлар, мактаб ўқувчилари, билим юртлари талабалари ўртасида биродарлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, Ватанни севмоқ иймондан эканлигини ёшларимиз қалбига жо қилиш ишига муносиб улуш бўлиб қўшилажакдир.

Йиғилишни «Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар ва вилоят Кенгашининг раиси Назириддин Ризаметов олиб борди. Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг муовини Рихситилла Акромов, Ўзбекистон Мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник Қосимжон Мамедов, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Абдулазиз Мавлонов, маҳалла оқсоқоли Зикрилла Назиров, Тошкент бирлашган техника мактаби талабаси Даврон Маҳсумов ва бошқа ҳарбий хизматга чақириладиган йигитларимизни юртсевар қилиб тарбиялаш «Ватанпарвар» ташкилотлари олдидаги муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ёшларимиз зиммасида Республика мустақиллигини мустаҳкамлаш вазифаси турганлигини, бунинг учун йигитларимизнинг ҳарбий хизмат сафларида Ватанни дадил ҳимоя қила оладиган мард ўғлонлар бўлиб етишишлари зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилиш сўнгида Ҳамза номидаги академик драма театрининг таниқли актёрлари ижросида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги спектакллардан парчалар намойиш этилди.

* * *

Оммавий ватанпарварлик ойлигига бағишланган ана шундай тадбирлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда. Жумладан, куни кеча Ангрен шаҳридаги «Кимёгар» ўйингоҳида «Ватанпарвар» ташкилоти тасарруфидаги ҳарбий техника мактаблари курсантларининг кўргазмали чиқишлари, спорт мусобақалари, автомобилчилар, мотоциклчилар ва авиамоделчилар ўртасида бўлиб ўтган қизиқарли мусобақалар йиғилган томошабинларга завқ-шавқ бағишлади.

***Шавкат ҚУЛИБОЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

# «УМИД» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

*МАНЗУРА ая ўғлидан хат олган куни хонадонда байрам бўлиб кетади. Бир юмушда кириб колган кўшнилар билан хам бўладиган сухбат мавзуини севинчини ичига сиғдиролмай Алишернинг мактубига бураверади.*

Бу сафар ҳам, — ҳаммага салом дегпти, айланай, — деб гап бошлади тўйга айтиб келган маҳалладош аёлга, — ҳар хатида сизларни, дўстларни, дўстларни, ўртоқларини йўқлайди. Менга «уриниб қолманг, ойижон, соғлиғингизни эҳтиёт қилинг», деб тайинлайди. Одамларга меҳрибон бўлди, болагинам. Ўқишларини эсон-омон битириб келсин деб кечаю-кундуз дуодаман.

— Барака топсин, бутун маҳалла ўғлингизга ҳавас қилади, опажон, — деб аянинг кўнглини кўтарди, аёл. — Ҳар кимнинг фарзанди Алишерга ўхшасин.

— Бугдой сўзларингиз учун раҳмат. Сизнинг қизингиз ҳам бахтли, саодатли бўлсин, тўйларни эсон-омон ўтказиб олайлик.

Аёлнинг «Бутун маҳалла ўғлингизга ҳавас килади», деган сўзлари аянинг қалбида ифтихор уйғотди. У Алишернинг хатда юборган суратини яна бир бор кўлига олди. Худди ўзи билан кўришаётгандек, онанг ўргилсин деб, қучиб эркалади...

А.Умаров Юқоричирчиқ туманининг «Султонравот» қишлоғидаги 10-ўрта мактабда ўқир экан, одоби, юриш-туриши, илмга бўлган чанқоқлиги билан ўқитувчилари, синфдошлари орасида эътибор қозонди. Ўқишни битиргач, Тошкент Давлат политехника олийгоҳининг энергетика факультетига муваффақиятли имтиҳон топширди. Бу даргоҳнинг биринчи курсини битирган ҳам эдики, шу муассасада Малайзиядан келган мутахассис ўқитувчилар томонидан «Бизнес-бошқарув ва менежмент» факультети очилиб қолди. Талаба унга қайта имтиҳон топширди ва тест синовларининг барчасидан яхши ўтди.

**Миллий дастур**

Инсонга омад бир кулиб боқса, унинг ҳаёт йўли ойдинлашаверади, деб бежиз айтишмас экан. Алишер дарслар фақат инглиз тилида олиб борилишига қарамай, вазифаларни ҳамиша муваффақиятли бажарар, ўз устида тинмай ишларди. Унинг бу фазилати ўқитувчилар эътиборига тушди. Худди шундай кезларда Президентимиз ташаббуси билан ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Қатор иқтидорли йигит-қизлар ҳорижий малакатларга ўқишга юборилдилар. Булар сафида Алишер ҳам шундай бахтга муяссар бўлди. Уч йилдирки, у ҳозир Америка Қўшма Штатларининг Шимолий Дакота штатида, Фарго шаҳридаги дорилфунунда билим олмоқда.

Таътил пайтларида А.Умаров она қишлоғи бағрида бўлади. Уни мактабларда бўладиган учрашувларга таклиф этишади. Бундай давраларда талаба ўзи ўқиётган университет талабалари ҳаёти, АҚШнинг эътиборли жойлари, ажойиб музейлари ҳақида сўзлаб беради. Улар хусусида гапирар экан, лекин туғилиб ўсган қишлоғини ҳамиша соғинишини, ҳеч бир жой «Султонравот» ўрнини босолмаслигини меҳр билан таъкидлайди.

Шу йили уни туман ҳокимлиги биносида ёшлар билан учрашувга таклиф этишди. Қизиқарли суҳбатдан кейин Фарғонинг аълочи талабасини туман ҳокими Мирзахўжа Қалқулов гилам билан тақдирлади. Бундай фарзандни вояга етказган ота-онассига ташаккурлар айтди.

— Биз ўғлимиз билан фахрланамиз, — дейди Алишернинг отаси 34-ўрта мактаб ўқитувчиси Акрам ака, — унинг яхши ўқиб, малакали мутахассис бўлиши борасида кўп ўйлар, орзу қилардик. Ҳудо ҳоҳласа, ниятимиз ушалмоқда. Мустақиллик шарофати, Конституциямизда инсон бахт-соатдатини кўзлаб яратилган ҳақ-ҳуқуқлар туфайли Алишер хорижда билим олаётганидан оиламиздагилар мамнун. Бунинг учун Юртбошимиздан, «Умид» раҳбарларидан, фарзандимизга чуқур билим берган 10- , 34-мактаблар ўқитувчиларидан миннатдормиз.

Шу куни кўзлари кувончдан порлаган отахондан бундай самимий сўзларни эшитиш завқли эди. Чунки, у билан мулоқот чоғида биргина Акром ака ёки Манзура аялар эмас, мамлакатимизнинг хорижда билим олаётган барча ёшлари ота-оналарининг ҳам шодлик туйғулари мужассам топган нигоҳлари кўз ўнгимизда гавдаланган-дек бўлди. Бу шубҳасиз, муаллим таъкидлаганидек, истиқлол, Бош Қомусимиз шарофати бахш этган севинч эканлиги бизнинг дилимизга ҳам шуур бағишлади.

***Саидвали ҲАСАНОВ,***
***Латифжон МАНСУРОВ.***

*Хиссадорлик жамиятларида*

# ЗАЛВОРЛИ ИККИ РАҚАМ

*«БЕКОБОД автобус-такси саройи» хиссадорлик жамиятида транспортчиларнинг жорий йилдаги фаолиятлари билан кизикканимизда, иккита рақамни тилга олишди. Иккови ҳам саккиз-тўккиз хоналик сонлар — 14 миллион 241 минг ва 182 миллион 511 минг эди. Уларнинг биринчиси корхона жамоаси хизматидан фойдаланган йўловчилар хисобини, иккинчиси ишлаб топилган ялпи даромад хажмини ифодалар эди. Булар шу йилнинг ўн ойидаги асосий меҳнат кўрсаткичлари.*

Албатта, бу анча юқори натижа, лекин, унга эришишнинг ўзи бўлмади. У жамоанинг бир тан, бир жон бўлиб виждонан ишлаш, мавжуд автобуслар ва такси машиналаридан унумли фойдаланиш, ҳар бир йўналишда йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат ҳажми ва маданиятини ошириш ва бошқа шу каби омиллар самараси бўлди. Ҳар куни ўрта ҳисобда турли русумдаги 125та автобус йўналишга чиқариляпти. Бу автобуслар вилоят, шунингдек, республикамизнинг қатор шаҳарларига мунтазам юриб турибди. Айниқса, тарихий ёдгорликлари, зиёратгоҳ обидалари кўп бўлган жойларга ҳар куни қатнамоқда.

Эришилаётган ютуқларда жамоа сафида фидокорона меҳнат қилаётган Камол Маъмуров, Комил Алиакбаров, Сергей Косенков, Рустем Кирмач, Қодир Ҳакимов, Анатолий Филиппенко кабиларнинг салмоқли ҳиссалари бор. Улар топшириқларни доим ошириб бажарадилар, бенуқсон ишлайдилар, мураббийлик ҳаракатида ҳам фаол қатнашмоқдалар.

***СУРАТЛАРДА: корхонада узлуксиз 28 йилдан бери ишлаб келаётган ҳайдовчи Набижон Наимов (ўнгда); корхона тасарруф бўлими бошлиғи Олимжон Баратов (пастда, чапдан иккинчи) ҳайдовчилар Анатолий Филиппенко, Иброҳим Тўрақулов ва Тўрабек Очиловлар билан йўналишга чиқиш олдидан суҳбатлашмоқда.***

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

*Хориж сафаридан сўнг*

# «СТОМАСЕРВИС» — XXI АСР МЎЪЖИЗАСИ

***ЎЗБЕКИСТОН Миллий матбуот марказида Стоматологларнинг халқаро Нью-Йорк конгрессида қатнашган «Стомасервис КО ЛТД» клиникаси вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Нью-Йорк конгресси иштирокчилари номидан «Стомасервис» компанияси директори Улуғбек Холматов сўзга чиқиб, оммавий ахборот воситалари вакилларига йирик анжумандан олган таассуротлари ҳақида сўзлаб берди.***

«Стомасервис КО ЛТД» нафақат мамлакатимизда, ҳатто хорижий давлатларда ҳам ўз нуфузига эга клиникалардан бири сифатида машҳурдир. Бугунги кунда у халқаро тоифадаги ҳар қандай шифохоналар билан ҳам беллаша олади. Айнан ана шу тиббий муассаса вакиллари АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган стоматологларнинг энг йирик конгрессида иштирок этдилар. Бу форум АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Хитой, Туркия, Ҳиндистон ва Бразилия каби кўплаб мамлакатлардан келган 36 минг дантистларнинг йирик анжумани ҳисобланади. Конгресс стоматологик асбоб-ускуналар ва ашёлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, улардан фойдаланиш борасида ҳам энг илғор мутахассисларнинг нуфузли йиғилишларидан биридир. Конгресс доирасида амалий семинарлар, касбга оид мунозаралар бўлиб ўтади. Янги технология ва ускуналарнинг синовлари, кўргазмали операциялар амалга оширилади. Шунингдек, бу ерда бир вақтнинг ўзида 504та энг йирик компаниялар қатнашадиган кўргазма ҳам фаолият кўрсатади.

Конгрессниг 75 йиллик тарихида унинг қатнашчилари рўйхатидан ўзбекистонлик стоматологларнинг номи илк бор ўрин олди. Улар, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси таклифига кўра, ана шундай йирик анжуманда иштирок этиш бахтига муяссар бўлдилар.

«Стомасервис» учун бундай форумда иштирок этиш 1996 йили бошланган стоматологлар дунё ҳамжамияти томон йўлнинг давоми бўлди. Айнан шу йили Америка компанияси «Денсплай» томонидан ҳамкорлик қилиш таклифи олинганди. Ўзбек клиникаси вакилларининг халқаро конгрессда иштироки ҳамда унинг муваффақиятли якунларидан бири унга «Карл Паркер Ассушиэйтес ИНК» Америка компаниясининг манфаатларини ифодалаш эксклюзив ҳуқуқи берилганидир. Шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, мазкур компаниянинг президенти жаноб Роберт Ф. Фармер ўзбек клиникасининг тарихи ҳамда техник жиҳозланиши билан атрофлича танишиб, унинг ривожланиш суратига юқори баҳо берди.

Аввало, юқори малакали кадрлар ва юксак технологияли ускуналар «Стомасервис» жамоасини XXI аср клиникаси деб аташга асос бўла олади. Бу клиниканинг барча мутахассислари халқаро малакани тасдиқловчи дипломларга эгадир.

«Стомасервис»да бир дақиқада 500 минг марта айланадиган учлик KAVO (Германия) бормашинаси мавжуд. Шифокор ва мижозларнинг креслолари дастурли бошқарувга, максимал эргономикага эга. Нурланиш улуши пасайтирилган компьютерли рентгенограф, плёнкасиз иш усули тасвирнинг компьютерда ишланишига — илдизлар узунлигини ўлчашга, аниқ пломбалашга имкон беради. Кўрсатувчи машинали рентгенограф барча операцияларни автоматик равишда бажаришга шароит яратади. Лаборатория турли тартибларда ишлаш учун компьютерли бошқарувга эга «Мультимат» печи билан жиҳозланганлиги таҳсинга сазовордир.

Матбуот анжуманида форум иштирокчилари оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб бердилар.

***Шавкат ТУРОБ.***

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

# ҲАР КИМНИНГ, ҲАММАНИНГ БУРЧИ

Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари, аҳоли яшаш жойлари ва халқ хўжалиги корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 декабрдаги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 1999 йил 14 декабрдаги фармойишларига асосан вилоятимиз ҳудудида шу йилнинг 15 декабридан бошлаб ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Халқ хўжалиги ва уй-жой мажмуаси иншоотларини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, вилоятнинг тоифаланган иншоотларида ёнғин хафсизлигини мустаҳкамлаш бўйича ўйғун тадбирлар ўтказиш мақсад қилиб қўйган ёнғин хавфсизлиги ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш борасида барча шаҳар ва туманларда фаоллик билан иш бошлаб юборилди. Шу мақсадда вилоят миқёсида ва жойларда махсус комиссиялар тузилди. Улар ҳар ўн кунда режалаштирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиб турадилар ва тегишли хўжалик, муассаса, ташкилот раҳбарларининг олиб борилаётган ишлар ҳақидаги ҳисоботларини тинглайдилар.

Мажлислар, кенгашларда ўзларига қарашли иншоотлар ва уй-жой мажмуининг тенхик ҳолатини кўриб чиқиш, уларни ёнғинга хавфсиз ҳолатга келтириш учун қўшимча маблағлар ажратиш, асосий эътиборни газ-электр хўжалиги, иситиш мосламаларининг ахволига ва уларнинг соз ҳолда бўлишига қаратиш каби бир катор аниқ тадбирлар белгиланиб, уларни амалга ошириш масъулияти бошқарма, уюшма, идора раҳбарлари зиммасига юкланди.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги келгуси йилнинг 15 январига қадар давом этади.

*Хотира*

# АЗИЗ БЎЛИБ ҚОЛГАН ДЎСТ

Қўлимдаги расмга тикилиб, ҳаёл оғушига шўнғиб кетаман. Менга очиқ чехрали, самимий, дўстларига жонкуяр, оиласини севувчи, ишига шошилиб келиб, кеч оқшомда шошилмасдан уйига қайтувчи, сирдош биродарим Эркин Ҳолмирзаев тикилиб турибди. У Тошкент вилоятидаги Ниёзбоши қишлоғида таваллуд топди, ўрта мактабда «аъло» баҳолар билан ўқиди, 1969 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институти архитектура факультетига кириб, уни 1974 йилда имтиёзли диплом билан тугатди. «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» лойиҳа институти илмий бўлимига йўлланма билан келиб, меҳнат фаолиятини бошлади. Бир неча бор йирик танловларда қатнашди. Жумладан, «Маржонбулоқ» шаҳри, Чимкент шаҳри маркази лойиҳалари учун 1-ўринни эгаллади. Шу лойиҳалар бўйича қурилишлар ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. 1983 йили Республика Ёшлар Иттифоқи қошидаги «Интерклуб» лойиҳаси ижроси учун Республика Ёшлар Иттифоқи мукофоти соҳиби бўлди. Сўнгра Шайхонтоҳур тумани партия қўмитасида йўриқчи, 1990 йилда мазкур туман ижроия қўмитасида ташкилий ишлар бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди. Бу даврда унинг ташаббуси билан Октябрь тумани номи Шайхонтоҳур деб ўзгартирилди. Тил қонунини амалга ошириш бўйича жонбозлик кўрсатди. 1992 йилдан Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур тумани кенгашининг биринчи котиби, 1995 йилдан эса Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг биринчи муовини, 1996 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг муовини лавозимларида фаолият кўрсатиб келди. Фидокорона меҳнатлари учун «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Эркин Холмирзаевнинг Ўзбекистондаги «Меҳмонхоналар архитектураси» номзодлик диссертацияси тугалланмай қолди. У 5 фарзанднинг отаси эди. Учинчи қизининг тўйи кунини белгилаб қўйган эди...

У мутафаккир Алишер Навоийга ихлос қилиб, ўғлининг исмини Алишер қўйиб, унинг орзу-ҳаваси билан яшарди. Эркин ҳозир орамизда бўлганида, тўрт мучалга — 48 ёшга тўлган бўларди. Илоҳим, қадрдон дўстимни Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин.

Сўзимни, шоирнинг икки мисра шеъри билан тамомламоқчиман:

***Инсонлар бор ҳаётида ўлиқдир,***
***Инсонлар бор қазосида тириқдир.***

Дўстимиз биз учун ҳамиша тирик!

***Бозорбой ҒОЙИБОВ.***

*Қишлоқ ва ислоҳот*

# «ОТА ЎҒИЛ» ЭКАНСИЗ

***ЎША кеча у алла маҳалгача ухлай олмади. Қулоғи остида ҳокимнинг «Эркин ака, сиз яхши биласиз, ахир бу фермани оёққа тургазгунча раҳматли отангиз озмунча меҳнат қилмаганлар. Наҳотки бугунги кунга келиб, ферма кўз ўнгингизда нураб бораётганлигини билла туриб лоқайд, бефарқ муносабатда бўлсангиз! Юрагингиз озроқ бўлса ҳам ачишмайдими?» деган сўзлари такрорланаверди.***

Бу таг-заминли гаплар, тўғриси, ёши 60га қараб бораётган, асли касби агроном бўлган, хўжаликда узоқ йиллардан буён каттами-кичикми раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилиб келаётган Эркин Мирсоатовнинг суяксуягидан ўтиб кетди. «Нега мен жавоб беришим керак? Ферма мудири бўлмасам». Бироқ, ички бир овоз унга танбеҳ берарди: «Ким айтади сени тушунган, ҳаётнинг паст-баландини биладиган одам деб. Ўйлаб кўр. Анчадан буён тафтиш гуруҳига бошлиқсан. Ҳар йили ҳисобот олдидан бўлса ҳам фермадаги ишлар билан танишиб чиқасан. Нима учун камчиликлар «болалаб» кетаётганлигини ҳам яхши биласан. Нега олдини олишга кўмаклашмадинг? Ферма кўпчиликнинг мулки-ку! Унинг ночор ахволга тушиб қолаётганлигига сен ҳам айбдорсан. Ҳоким ҳақ гапни айтди».

— Гап шу, — деди ҳоким, — эртадан бошлаб фермага мудирлик қиласиз.

— Сизларни уялтириб қўймасмикинман, — деди Эркин ака ўша куниёқ раиснинг олдига кириб. — Менинг розилигимни ҳам сўрамадинглар.

— Эркин ака, — деди раис, — ҳоким сизнинг кимлигингизни, ҳатто, феъли-атворингизни, қўлингиздан нима иш келишлигини яхши биларканлар. Кўзлари етгандирки...

Бошқа сўзга ўрин қолмаган эди.

Ишни нимадан бошласам экан? У узоқ ўйлади. Ўзича мулоҳазалар қилди. Шунда ҳаёл ўтмишга етаклади. Узоқ йиллар жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган ҳамма отаси Миржамил ака Чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари, айниқса, унинг раҳбари, таниқли олим Шавкат Акмалхонов билан тез-тез учрашиб, мулоқотда бўлиб турар, чорвачилик истиқболлари ҳақида фикрлашишар эди. Ана шундай суҳбатлардан бирининг гувоҳи бўлганида, унинг қулоғига «Возпроизводство» деган сўз тез-тез чалинарди. Кейинчалик билса, бу чорвани ўрчитиб кўпайтириш дегани экан. Негадир ана шу сўз унинг ҳаёлида чарх ура бошлади ва саволга жавоб топгандай бўлди. Ишга дадил киришди.

Аввало, ҳар бир тадбирни амалга оширишда мутахассисларга таянди. Саид Умиров тажрибали, ишнинг кўзини биладиган мутахассис бўлган. Эркин ака нафақага чиқиб кетган Умировнинг олдига борди, маслаҳат сўради. Саид ота йўқлаб келганлиги учун хурсанд бўлди. «Отангнинг ҳурмати бор, Эркинжон, албатта, ёрдам бераман», деди у ва сўзининг устидан чиқди. Ҳар ҳафтада, албатта, фермага келиб, ишларни, моллар ҳолатини кўриб, ўз фикрини айтиб, ўринли маслаҳатлар бериб турди. Ана шундай кунларнинг бирида Эркин Саид отага маслаҳат солди.

— Биз, — деди у, — бундан буён сигирларни юз фоиз суньий урчитишга ўтмоқчимиз.

— Жуда яхши ўйлабсан, — деди Саид ота. — Лекин бу иш ўта нозик, аниқлик ва синчковликни талаб этади. Тушунгандирсан. Уруғни катта маблағ эвазига сотиб оласизлар. Шундай бўлгач, фойдаланиладиган бу уруғнинг келиб чиқиши ҳақида аниқ маълумотга, тасаввурга эга бўлиш шарт. Иккинчидан, олиб келингач, уни айнитмай, яхши сақлаш ва вақтида фойдаланиш қерак. Ана шунда кутилган натижага эришиш мумкин бўлади. Бунинг учун мутахассис билимдон бўлиши лозим.

— Бу ишни Бурхонжонга топширганмиз, — деди Эркин, — у уддасидан чиқяпти.

Саид ота Бурхоннинг лабораториясида бўлиб, у ердаги асбоб-анжомлар, ишлар билан танишиб, фикрларини эшитиб, ҳақиқатан ҳам йигит ўз бурчини садоқат билан бажараётганлигига ишонч ҳосил қилди.

— Баракалла, — деди у Бурхоннинг елкасига қоқиб, — ишни шу зайилда олиб борсанг, натижа, албатта, яхши бўлади, ўғлим.

Натижани эса ҳозирнинг ўзидаёқ кўриш мумкин.

Эркин ака ўтган йилнинг августида иш бошлаган эди. Ўшанда фермада 235 бош сигир бўлиб, ҳар биридан бор йўғи 5-6 литрдан сут соғиб олинарди. Ҳозирги кунга келиб, қари молларни алмаштириш ҳисобига сигирлар сони 30тага камайди, ғунажинлар ҳисобига эса сигирлар 10тага кўпайди. Агар ўтган йили ҳар юз бош сигирдан 46тадан бузоқ олинган бўлса, бу йил 65тадан ошди. Ана сизга суньий урчитишнинг самараси. Чунки, бу тадбир малакали ўтказилганлиги учун сигирларнинг қисир қолишига йўл қўйилмади. Бузоқлаган сигирлар узоғи билан 80 кун оралиғида, айримлари эса 2 ойдан сўнг суньий урчитилди. Бу ҳол, табиийки, ялпи маҳсулотнинг кўпайишига ҳам олиб келди. 10 ойлик якуни бўйича ҳар бир сигирдан ўтган йилдагига нисбатан 340 литрдан кўп сут соғиб олинди. Сигир бошига тақсимланадиган бўлса, 1750 литрданга тўғри келди. Йилнинг якунида эса бу кўрсатгичга 2500 литрга етказишни мўлжалламоқдалар.

... Қишнинг қирчиллама кунларида бундай кўрсатгичга эришиш осон бўлмайди, албатта.

Лекин чорасини, тадбирини кўриб қўйдилар. Ҳар бир шартли қора мол ҳисобига 17 озуқа бирлиги миқдорида емиш тайёрлаб қўйилмоқда. Бунинг учун ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда. Агар ўтган йили хўжаликни ўзидан чиқадиган озуқа ҳисобига чорванинг эҳтиёжи 67 фоиз таъмин этилган бўлса, бу йил салкам 80 фоиз эҳтиёжини ўзлари қондирадилар.

Мен илғор соғувчилардан бири билан суҳбатлашмоқчи эканлигимни айтдим. Шунда Эркин ака ферма биноси олдида куймаланиб юрган оқ халатли йигитни чақирди.

— Буёққа келиб кет, ука.

Мен гапимни яхши эшитмадими, дегандек мудирга қарадим.

— Ажабланманг, — деди Эркин ака, Шокир Саримсоқов олди соғувчилармиздан.

— Чорвадорлар силасиданми?

— Йўқ, — деди Эркин ака, — отасининг касби ҳайдовчи, онаси уй бекаси, хонадонлари фермамизга яқин бўлгани учунми Шокир келиб молбоқарларга ёрдамлашиб юрган жараёнида чорвачиликка меҳр қўйиб қолган. Буни сезишгач, уни бузоқбоқар қилиб ишга олишган. Ҳурсанд бўлган Шокир сидқидилдан меҳнат қила бошлади. Кўп ўтмай, у фермани ўз одами бўлиб қолди.

Айрим сут соғувчи аёллар баъзи узрли сабабларга кўра ишга чиқишолмай қолганда, уларнинг йўқлигини билдирмай, сигир ҳам соға бошлади. Қойил қилди. Шу йилнинг бошида етилган ғунажинларни танлаб, саралаб алоҳида гуруҳ қилдилар. Бу гуруҳни кимга топширсак экан, деб ўйлаб, мулоҳаза қилдилар. Ахир биринчи бузоқлайдиган сигирлар гуруҳида ишлаш, масъул бўлиш осон эмас. Чунки, ғунажин сигирларнинг кўпи ниҳоятда хуркович бўлади. Соғувчини йўлатмайди. Ҳатто, шундай ҳоллар ҳам бўлганки, жонивор сут соғувчини тепиб, челакдаги сутларини ағдариб ҳам юборади. Шунинг учун ҳам кўп сут соғувчиларнинг юраги дов бермайди.

— Бу ишни Шокир уддалайди, — деди кекса сут соғувчилардан бири. — Ўзининг ҳам рағбати бор.

Янглишмадилар. Шокир соғувчиликни ўрнига қўйиб бажаряпти. У Матлуба Салимова, Мавжуда Иноғомова, Заҳро Нўъмонова сингари тажрибали сут соғувчилардан қолишмай, ҳатто, улардан ўзиб меҳнат қила бошлади.

Мен мудирнинг яқин келажакдаги режалари билан қизиқдим.

— Мақсадимиз фермани ҳақиқий наслчилик хўжалигига айлантириб, вилоятда биринчи ўринга олиб чиқишдан иборатдир, — деди у. — Ҳар йили фермерларга камида 60-70 бош наслли ғунажинлар етказиб берамиз. Шунинг учун зотни яхшилаш ишини давом эттириш билан бирга озуқа базасини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш чораларини ҳам кўрамиз.

... Мен фермага қадам қўйишим биланоқ, боғга кириб қолдимми, деб ўйлаган эдим. Чунки, йўл чеккалари, очиқ майдонга режаси билан турли хил мевали дарахтлар экиб қўйилган. Чорвадорларнинг дид-фаросатига қойил қолгандим. Бу ердаги амалий меҳнат, қилинган ишлар, эришилаётган ютуқлар, кўрсаткичлар билан танишиб, чорвадорлар сут соғувчи, молбоқарларнинг ўз ишидан мамнунликлари ойига ўрта ҳисобда 10-15, айримлар ҳатто 20-25 минг сўмдан ҳақ олаётганликларини эшитгач «Иш деган мана бундай бўлипти» деган хулосага келдим.

***Носир РИХСИЕВ.***
***Қибрай туманидаги «Турон» жамоа хўжалиги.***

# ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

## Воқеалар тўлқинида

● РОССИЯ ва Белоруссия иттифоқи ҳақидаги шартнома Россия Давлат Думаси томонидан ратификация қилинди. Янги давлат тузиш ҳақидаги ушбу ҳужжатни ёқлаб 382 нафар депутат овоз берди.

● БЕРЛИН шаҳрида «саккизлик»ка аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда мазкур уюшманинг яқин келажакдаги фаолиятига доир масалалар юзасидан фикрлар алмашинди.

● СУДАН президенти Умар ал-Башир мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди ва Ҳасан ат-Туробий бошчилигидаги парламентни тарқатиб юборди. Давлат бошлиғи ўз баёнотида бундан буён ҳокимият тепасида бир-бирига қарама-қарши томонлар бўлишига йўл қўймаслигини айтди.

● ОВРУПОДА Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти раҳбари Кнут Воллибек Шимолий Кавказга келди. У минтақадаги ҳарбий, ижтимоий, иқтисодий муаммолар билан қизиқмоқда.

● ЖАҲОН давлатлари тарихида эътиборга молик воқеа юз берди. 100 йил мобайнида АҚШ ҳукмронлигида бўлган Панама канали Панама тасарруфига ўтди. 1977 йилдаги шартномага биноан бу тадбир шу йил 31 декабрда амалга оширилиши лозим эди. Лекин, бу иш 14 декабрда адо этилди.

● РУМИНИЯ президенти Эмиль Константинеску бош вазир Раду Василеуни истеъфога чиқарди.

● ХОРВАТИЯ президенти Франьо Тужман 75 ёшида оғир хасталик — саратон касаллигидан сўнг вафот этди.

## ҚЎШНИЧИЛИК — МИНГЙИЛЧИЛИК

***ҲА, АЗАЛ-АЗАЛДАН алоҳида инсонлар ҳам, давлатлар ҳам ўз қўшнилари билан иноқ-тотув яшашга интилиб келганлар. Шунинг учун ҳам халқ орасида қўшничилик — мингйилчилик деган нақл бор.***

Аммо, Чили давлати тарихида бу нақл кўпинча салбийроқ маънода талқин қилиб келинди. Гап шундаки, бир асрдан зиёдроқ вақт бадалида Чили Жанубий Америкадаги ўз қўшнилари бўлмиш давлатлар билан яхши алоқа ўрната олмади. Ташқи сиёсат борасида бу мамлакат тутган йўл минтақа учун айтарлик ижобий аҳамият касб этмади. Эндиликда Чили қўшнилар билан яхши муносабатларни йўлга қўймай туриб, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмаслигини англаб етди, чоғи.

Перу президенти Альберто Фухимориннинг яқинда ушбу мамлакатга қилган расмий ташрифи ўртадаги нохушликларга чек қўйиш, дўстона ришталарни ўрнатиш борасида муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Чунки, Чили Перу ва Боливия билан 120 йилдан буён сану-манга бориб келаётган эди. Низолар Перу ва Боливия қўшинларининг Чилига ҳужумидан бошланган эди. Оқибатда, Боливия 158 минг квадрат километрлик еридан ажралиб, уммондан узилиб қолди. Ўтмиш бугунгача ўз таъсирини кўрсатди.

1978 йили Чили юқоридаги икки қўшни билан зиддиятда тургани етмагандай, Аргентина билан ҳам аразлашиб қолди. Аргентина Чили билан борди-келди қиладиган ягона давлат эди. Лекин, келишмовчиликлар ҳарбий тўқнашувга айланиб кетишига бир баҳя қолганда, Рим папаси Иоанн Павел иккинчининг саъй-ҳаракатлари туфайли вазият анча юмшади. Бироқ, икки томонлама алоқалардаги совуқчилик тўқсонинчи йилларгача сақланиб келди.

Перу президенти ташрифи давомида Чили президенти Эдуардо Фрей ҳам, Альберто Фухимори ҳам муносабатлар янги босқичга чиққани, бундан буён ушбу давлатлар бир-бирига илгаригидек душманларча эмас, балки, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва дўстлик асосида муомалада бўлажаклигини таъкидладилар.

Бироқ, шуни айтиш лозимки, Чили Аргентина ва Перу билан муносабатларни яхшилаётган бўлса ҳам, Боливия билан алоқаси ҳамон таранглигича қолмоқда. Бунга икки давлат расмий доираларининг фикри бир жойдан чиқмаётгани сабаб бўлмоқда. Боливия ўтмишда бой берган ерларини қайтариб олиш ва уммонга чиқиш талабини қўймоқда. Чили эса, бу шартга рози бўлмаётир.

Қисқа қилиб айтганда, Лотин Америкаси мамлакатларининг ўзаро муносабатларида юзага келган муаммолар ўз ечимини топаётганга ўхшаб турипти. Хусусан, Чили ўзаро зиддиятларга барҳам бериш, яқин қўшничиликни мустаҳкамлашга интилмоқда. Чили бир неча кундан сўнг янги президентга эга бўлади. Демак, янги ҳукумат олдида ҳудудий муаммоларни тезроқ ҳал этишдек катта вазифа туради.

## МИНТАҚА МУАММОЛАРИ МУҲОКАМАДА

ТОГО пойтахтида Ғарбий Африка Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг саммити якунланди. Анжуманда Африка қитъасидаги 16 мамлакатдан вакиллар иштирок этдилар. Йиғин қатнашчилари икки кун давомида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда минтақада юз бераётган можароларни ҳал этиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Саммит якунида мазкур ҳамжамият мамлакатлари ўртасида Ғарбий Африка хавфсизлигини таъминлаш, можароларни бартараф қилиш ҳамда минтақада барқарор тинчлик ўрнатиш борасида ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш юзасидан битим имзоланди.

## «С-300» — ҚОЗОҒИСТОНГА

ҚОЗОҒИСТОН мудофаа вазири С. Тўқпақбоев яқинда Москвага сафар қилган эди. Ушанда у Россия Федерацияси мудофаа вазири Игорь Сергеев ҳамда бошқа юқори мартабали раҳбарлар билан учрашиб, Россия ва Қозоғистон ўртасида ҳарбий масалаларда ҳамкорлик қилишга доир режалар хусусида гаплашган эди. Ўртага ташланган фикрлар эндиликда амалиётга айланмоқда, чоғи, шу ой давомида Қозоғистон Россиядан «С-300» русумли ракета мажмуаларини сотиб олажаклиги эълон қилинди. Қозоғистон мудофаа вазири С. Тўқпақбоев харид қилинадиган янги ракеталар мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади, деб айтди.

## Бу дунёнинг ИШЛАРИ

● ҲИНДИСТОННИНГ Чандигарх шаҳри яқинида мамлакат ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли «МИГ-21» русумли қирувчи самолёт ҳалокатга учради. Фалокат машқ бажарилаётганда содир бўлди.

Ҳиндистон ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондонлиги маълумотларига қараганда, жорий йилда ҳалокатга учраган жанговар тайёралар сони 27тага етди. Уларнинг 12таси «МИГ-21»лардир. Ўтган йили эса ҳалокатлар туфайли Ҳиндистон ҳарбий-ҳаво кучлари 18та қирувчи самолёт йўқотган эди.

● МАРИЙ-ЭЛ Республикасининг Знаменская қўрғонидаги «Нива» ишлаб чиқариш кооперативида беш оёқли «Машка» лақаби сигир боқилмоқда. Ортиқча оёқ унинг қоқ бўйнидан ўсиб чиққан. Маҳаллий ветеринарлар бир ярим йилдан буён бу ҳолатнинг сирини англашга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

● ЭНГ СЕМИЗ ҳоким ким? Бундай савол Овруподаги кўпгина мамлакатлар жамоатчилигига ҳавола этилган эди. Маълум бўлишича, Испаниянинг Поррано шаҳри ҳокими Хоса Мануэл Баррос энг салмоқли вазнга эга экан. Унинг оғирлиги 178 килограмм тош босди, Натижада, у Гиннес рекордлар китобига киритилди.

*(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).*

# ТЕЛЕ кўрсатувлар дастури

## ДУШАНБА, 20

### «Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом Ўзбекистон»
8.00-8.40 «Таҳлилнома»
***
8.40 «Куйла, танбур дуторим». Мусиқий дастур.
9.10 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Энг ширин қовун». Мультфильм.
10.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.35 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
12.05 «Футбол майдонларида».
12.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
13.05 «Баркамол авлод орзуси».
13.30 «Саҳна хаёти».
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
15.10 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
16.00 «Қишлоқ хаёти».
16.25 «Малина виноси». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Қизиқарли учрашувлар».
18.30 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Чимён тароналари». Мусиқий дастур. 1-қисм.
21.30 «Бунёдкорлик». 6. Болаларга салом берайлик.
21.50 «Австралиянинг ёввойи табиати». Телесериал премьераси. 1-қисм
22.40 «Ифтихор»
23.10 «Маънавият» дастури.
23.55 «Ахборот».
00.25 «Жаноб «Р». Бадиий фильм.
1.50-1.55 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Спорт майдончаси, Мультфомоша)
18.40 «ТВ-саёҳат».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Олтин мерос».
19.35 «Биринчи мўъжиза».
19.50 «Ёшлик баёзи».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.20 21.00, 22.30 Эълонлар.
20.25 «Ёшлар» телеканали намойиш этади: «Адолат манзили». 1-қисм («Ўзбектелефильм»)
21.05 «Бунёдкорлик». «Истиқлол, ёшлар ва истиқбол». Видеофильм. 3-қисм.
21.25 «Остонадаги орзулар».
21.40 «Дастхат». Азим Муллахонов.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
1.Миллионлар уйини. 2. Футбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
1.05 «Тонг юлдузи».

### ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 «Бунёдкорлик». 1. «Ўзбек модели мўъжизаси».
19.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал. 7-серия.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёшлар қуйлаганда».
21.20 Телефильм.
21.45 «Дорихона эштади».
22.15 «Бурч ва маъсулият».
22.45 «Тап-тортмаслар». Телесериал. 7-серия.
23.10 «Телефакт».
23.20 «Спорт-тайм».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 3-фильм. 1 ва 2-сериялар.
2.20 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
2.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

РЖТ 7.30-9.00
***
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.40 «Тотли оғу». Телесериал
17.40 «Мультчарҳпалак».
17.55 «Дил изҳори».
18.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
19.00 «Дил изҳори»
19.05 «Ўғрини ушла». Телесериал.
19.30 «Оламда нима гап?» Ахборот курсатуви.
19.40 «Кутиш зали». Кўп серияли бадиий фильм. 8-серия
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.40 «Махфий хужжатлар». Сериал.
23.25 «Дил изҳори».
23.30 «Вести».
24.00 «Соккер клуб».
00.15 «Ахборот».
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## СЕШАНБА, 21

### «Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
***
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Насафдан эсган саболар». Мусиқий дастур.
9.15 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиши. «Ғўзаллик оламида».
9.40 «Бола бошидан».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 Кундузги сеанс. «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм.
11.40 «Заковат сарчашмаси».
12.05 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
12.30 «Ўзбектелефильм» намойиши. «Ёмғирли оқшом».
13.00 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.35 Каратэ бўйича Осиё чемпионати. Сингапур.
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Х.Аҳмедова.
14.40 «Кодекс».
15.00 «Ҳа, ҳа, ҳа_» Ҳазил. Ҳажв. Ҳангома.
15.25 «Бокира туйғулар».
15.40 «Жаҳон спорти».
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Қохиранинг қирмизи атиргули». Бадиий фильм.
17.30 «Меҳр қолур, муҳаббат қолур». Мусиқий дастур.
18.10 Болалар учун. «Хикматлар хазинаси».
18.30 «Шу кунлар шиддати».
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури-амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот»
21.05 «Рақслар гулдастаси».
21.30 «Бунёдкорлик». 7. Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилмоғи керак.
21.50 «Австралиянинг ёввойи табиати». Телесериал премьераси. 2-қисм.

**Тунги ҳамрох.**

22.40 «Орзули олам бу».
23.00 «Умид» сафарда.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Садоқат». Бадиий фильм. 1-серия.
1.20-1.25 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади:( «Қувнок учрашув»)
18.25 «Семурғ». Ўсмирлар учун кўнгил очар дастур.
18.40 «Рақслар қанотида».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Олис сафарлар иштиёқида». Япония.
19.45 «Далил ва шарҳ».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Лаззат».
20.55, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Ракурс».
21.00 «Бунёдкорлик». «Истиқлол, ёшлар ва истиқбол». Видеофильм. 4-қисм.
21.20 Танишинг: Абдулла Убайдуллаев.
21.35 «Эркин фикр».
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Интерфутбол.
00.50 «Хит-коллекция».
1.10 «Хайрли тун!»

### ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 «Бунёдкорлик». 3. «Жаҳон бозорига йўл».
19.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал . 9-серия.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 «Ривоят».
22.00 «Мумтоз қўшиқлар».
22.10 «Маржон».
22.45 «Тап-тортмаслар». Телесериал. 9-серия.
23.10 «Хайрли оқшом».
23.40 «Олтин давр».
00.00 «Кўзгу». Тележурнал.
00.20 Оҳанглар ва эълонлар.
00.30 Кинонигоҳ. «Кутилмаган меҳмон».
1.45 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
2.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

РЖТ 7.30-9.00
***
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
***
15.00-16.10 Туркия телевидениеси
***
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчарҳпалак».
17.55 «Дил изҳори».
18.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
19.00 «Филипп Киркоровнинг танланган қўшиқлари».
19.40 «Кутиш зали». Кўп серияли бадиий фильм. 10-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
***
21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 Кинематограф: «Эмма». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ПАЙШАНБА, 23

### «Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа ва замон».
9.15 «Дунё шаҳарлари».
9.25 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.40 «Инсон-ҳаёт гултожи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.25 Кундузги сеанс. «Фалокат оёқ остида». Бадиий фильм.
12.05 «Соғлом авлод учун».
12.30 «1999 йил - Аёллар йили: «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.50 Австралиянинг ёввойи табиати. Телесериал. 2-қисм.
13.40 «Бунёдкорлик. 7. Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилмоғи керак.
14.10 А.Хурсандов «Кампир топайми, дадажон». Ю.Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят театрининг спектакли.
16.00 «Камолот сари».
16.20 Лирик тароналар.
17.00 «Телекутубхона».
17.10 «Ўзбектелефильм» намойиши. «Буюк ўзгаришлар жараёнида».
17.40 «Теран томирлар».
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Куйла ёшлигим».
19.00 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саньатим саодатим». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».

**«Умид» намойиш этади.**

22.05 «Оила». Тележурнал.
22.35 «Қалб сайёраси».
22.55 «Сомон йўли».
23.25 «Ахборот».
23.55 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
00.35 «Садоқат». Бадиий фильм. 2-серия.
2.05-2.10 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Сувости экспедицияси». Телесериал. 2-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мезон».
19.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
20.00 «Бегойим».
20.25, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Адолат манзили». 3-қисм («Ўзбектелефильм»)
21.10 «Иймон».
21.35 Абдурашид Сандов куйлайди.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Интерфутбол. 2.»Спорт-қитъаси».
1.20 «Хайрли тун!»

### ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.15 «Эътиқод».
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 «Бунёдкорлик». 4. «Озод ва обод юрт».
19.55 «Кавингтон Кросс». Телесериал. 10-серия.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.25 «Соғинч».
21.45 «Ривоят».
22.00 «ТВ ва Театр».
22.45 «Тап-тортмаслар». Телесериал. 10-серия.
23.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
23.35 «Саҳоват».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
00.00 Кинонигоҳ. «Йўлбошчи».
1.25 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

РЖТ 7.30-9.00
***
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчарҳпалак».
17.55 «Дил изҳори».
18.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
19.00 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
19.15 «СНН-шоу».
19.30 «Оламда нима гап?»
19.40 «Ов мавсуми». Жангари фильм.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
***
21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Кино сайёраси».
22.30 «Вести».
23.00 «Дил изҳори».
23.10 Кинематограф: «Давондаги момоқалдироқ». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЖУМА, 24

### «Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
***
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
9.15 «Хамкорлик ришталари».
9.35 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 Кундузги сеанс. «Аҳмад қаердаг?» Бадиий фильм.
12.05 «Беш бармоқ». Тележурнал.
12.25 «Юрт ҳақида қўшиқ». Публицистик кўрсатув.
12.45 «Дунё шаҳарлари».
12.55 Ёш ижрочилар концерти.
13.30 «Сомон йўли».
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
15.15 «Жавоҳирлар хазинаси».
15.40 «Машриқ оҳанглари».
16.00 «Фантадром». Мультфильм. 3-серия.
16.10 «Кўринмас одам». Бадиий фильм.
17.35 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд - умид юлдузи».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Аёл дунёни тебратар».
19.05 «Ишончли хамкор». Банклараро телетанлов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Рақибингиз-гроссмейстер».
20.10 «Оқшом эртаклари»
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбга яқин қўшиқлар». Мусиқий дастур.
21.30 «Бунёдкорлик». 8. Миллат кўзгуси.
21.55 «Ўзингни ўз уйингни ўзинг асра».
22.15 «Ижод қувончлари». М.Маҳкамов.
22.45 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.25 «Ахборот».
23.55 «Севгим меним, андухим меним». Бадиий фильм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Дунё ва болалар», Мультфомоша)
18.40 «Ёшлар ва маънавият».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Олтин мерос».
19.35 «Табаррук қадамжолар». Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи.
19.55 «Ёшлар» телеканалида.
20.00 «Афсона қилма». Мусиқий дастур.
20.20, 21.00, 23.45 Эълонлар.
20.25 «Адолат манзили». 4-қисм («Ўзбектелефильм»)
21.05 «Азизим».
21.45 «Автосалтанат».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. «Ринг қироллари».
23.30 «Жаҳон эстрадаси».
23.50 Синема: «Клеопатра». 1-қисм.
1.20 «Мунаввар тонг истаб».

### ЎзТВ III

8.50 Кўрсатувлар дастури.
8.55 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўнгил тароналари».
9.40 Болажонлар экрани. «Ўрмонлар оша, тоғлар оша».
10.50 «Спорт оламида».
11.05 «Темурий маликалар». Миллий ракс томошаси.
11.50 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 3-фильм. 1, 2-сериялар.
14.15 «Меҳржон-99». Ҳайрия тадбири. 3-кўрсатув.
15.15 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
15.30-16.30 «Меҳржон-99». Ҳайрия тадбири. 4-кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 «Бунёдкорлик». 5. «Ватан оиладан бошланади».
19.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал. 11-серия.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Яна бир учрашув».
21.20 Мусиқий танаффус.
21.45 «Маслаҳат даволаш саломатлик». Жонли эфир.
22.45 «Тап-тортмаслар». Телесериал. 11-серия.
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ. «Ошиқ эркак».
00.55 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
1.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

РЖТ 7.30-9.00
***
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
***
16.10 «СНН. Жахон янгиликлари».
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчарҳпалак».
17.55 «Дил изҳори».
18.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
19.00 «Уэрлднет» янгиликлари.
19.10 «Дурдаршан».
19.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
19.35 «Дил изҳори».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
***
21.45 «Дил изҳори».
21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Кино сайёраси».
22.30 «Вести».
23.00 «Дил изҳори».
23.10 Кинематограф: «Давондаги момоқалдироқ». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ШАНБА, 25

### «Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
***
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеалманах.
9.10 «Хидоят сари».
9.35 «Хаёт чашмалари».

**«Умид» намойиш этади.**

9.55 «Саодат қасри».
10.20 «Ўзбек спортининг нуфузи».
10.35 Кундузги сеанс. «Робин Гуд». Бадиий фильм. 1-серия.
11.40 «Ёзувчи ва замон».
12.00 «Акс-садо».
12.35 «Дўстлик» видеоканали. 1. Меҳрангиз. 2.Жетиген
12.55 «Кўзгу». Тележурнал.
13.25 «Ер ва диёр тароналари».
13.40 «Бунёдкорлик». 8. Миллат кўзгуси.
14.00 «Робин Гуд». Бадиий фильм. 2-серия.
15.10 «Қалб гавҳари».
15.30 Эстрада концерти.
16.00 «Уйла, изла, топ». Телемусобақа.
16.40 «Илм олами: XXI аср бўсағасида».
17.00 «Стандарт ва сифат».
17.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хушёрлик мезони».
17.40 «Маҳорат».
18.00 Болалар учун. «Қувноқ дақиқалар».
18.20 «Сеҳрли шуъла».
18.40 «Рамазон ойи - покланиш ойи».
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Иқтисод ва биз».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ хаёти».
21.30 «Ойдиндир қўшиқнинг йўли». М.Йўлчиева.
22.20 «Халқнинг кўнгли». Спорт дастури.
22.40 «Футбол майдонларида».
23.10 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.50 «Ахборот».

**Тунги ёғду дам олиш дастури.**

00.20 «Куй ва тасвир».
00.40 «Регтайм». Бадиий фильм. 1-серия.
1.55-2.00 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», «Қувноқ учрашув»)
9.35 «Сувости экспедицияси». Телесериал. 1-қисм.
10.25 «Ёшлар» телеканалида.
10.30 «Мусиқий лаҳзалар».
10.35 «Ракурс».
10.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.15 «Мафтункор чеҳралар».
11.40 «Авто-2000».
12.00 «Мусиқий лаҳзалар».
12.05 «Бунёдкорлик». «Истиқлол, ёшлар ва истиқбол». Видеофильм. 3-қисм.
12.25 «Рақслар қанотида».
12.45 «Рамаяна». Телесериал.
13.20 «Қадрият». Алоуддин Мансур билан суҳбат.
13.40 «Мусиқий лаҳзалар».
13.45 «Ўзбекистон қанотлари».
14.00 «Сир».
14.20 «Шу куннинг мавзуси».
14.40 «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
15.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.00 Синема: «Французча бўса».
17.40 «Хит-коллекция».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («У ким, бу нима», Мультфомоша)
18.40 «Ер ишки». Мусиқий дастур.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Матбуот».
20.10 «Дилбарим».
20.30, 21.10, 23.10 Эълонлар.
20.35 «Рамаяна». Телесериал.
21.15 «Кутилмаган меҳмон».
21.35 «Садо-99» саҳифаларидан. Мусиқий дастур .
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Дирижабль». Дам олиш кўрсатуви.
22.50 «Кинотақдим».
23.15 Синема: «Клеопатра». 2-қисм.
00.45 «Хайрли тун!»

### ЎзТВ III

8.50 «Соғлом бўлай десангиз».
9.00 «Тонги пойтахт».
9.40 Болажонлар экрани. «Азиз».
10.45 «Олам».
11.05 «Ёвва Бланка». Телесериал.
11.50 «Табиат ва инсон». Гаройиб видеотасвирлар. Ҳужжатли фильм. 1-қисм.
12.10 «Янги ой чиққан кеча».
12.30 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 4-фильм. 1, 2-сериялар.
14.55 «Халқ саломатлиги йўлида».
15.20 «Ёввойи табиат».
16.10-16.55 «Дўстлик» видеоканали. «Немис шарҳи», «Сахий хонадонда».
***
17.55 «Бугун Сиз билан «Шанба» дастури»
18.00 «Ерилтош». Мультўплам.
18.30 «Табиат ва инсон». Гаройиб видеотасвирлар. Ҳужжатли фильм. 2-қисм.
18.50 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.20 «Даромадли дараклар».
19.30 «Кавингтон кросс». Телесериал. 12-серия.
20.20 «Бугун Сиз билан «Шанба» дастури».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Меҳр нури».
21.30 Эстрада концерти.
22.00 «Даллас». Телесериал.
22.50 «Илқ қадамлар».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Кинонигоҳ. «Мудҳиш хато».
1.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Болалар олами».
9.20 «Кино сайёраси».
9.35 «Дурдаршан».
9.50 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
10.05 «СНН-шоу».
10.20 «Инглиз тили Сиз учун».
10.45 «Тенгдошлар».
11.05-11.25 «Мюзик хол».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Винафша».
18.20 «Бирголикда куйлаймиз».
19.05 Кинокомедия.
21.00 «Время».
***
22.00 «Дил изҳори».
22.10 «Британия кундалиги».
22.25 «Эксклюзив».
22.45 Кинематограф: «Омадли жентелменлар». Бадиий фильм.
00.10 «

*Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига*

# БУЮК АДИБ, ДОНО МУАРРИХ

***Ўзбек халқи маданияти тарихида Хива адабий муҳити алоҳида салмоқли ўрин тутади. Мана шу ижодий муҳитнинг йирик намояндаларидан бири, ўз ижодининг кўлами, сермаҳсуллиги ва юксак бадиийлиги билан довруғ қозонган Муҳаммад Ризо Огаҳийдир. У 1809 йилда Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилди. Муҳаммад Ризо энди уч ёшга етган вақтида отаси Эрниёзбек вафот этади. Ёш Муҳаммад Ризони тоғаси машҳур шоир ва аллома Мунис Хоразмий тарбия қилади.***

Огаҳий ижодини тўрт қисмга ажратиш мумкин. Биринчи — Огаҳий буюк шоир ва адиб, иккинчи — Огаҳий моҳир давлат арбоби, учинчи — Огаҳий буюк тарихчи олим, тўртинчи — Огаҳий истеъдодли таржимон.

Огаҳий шарқ классик шеъриятининг барча жанрларида қалам тебратган забардаст шоирдир. XIX — асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда тузилган баёзларнинг барчасида Огаҳийнинг шеърларидан намуналар учрайди. Огаҳий ўз ижодида шарқ мумтоз шеъриятининг барча жанрларида, жумладан ғазал, муҳаммас, мусаддас, рубоий, қитъа, маснавий каби турларида шеърлар ёзди. Огаҳий албатта то ўзи яшаган даврга қадар ўтган машҳур шоирлар ижоди билан танишиб чиқди. Зеро, у даврда ҳар бир шоир ўзидан аввал ўтган шоирлар шеърларидан камида ўн-йигирма минг байтни ёддан билганлар. Ғарчи Огаҳий ўз девонини умрининг охирида тартиб қилган бўлсада мадрасада ўқиб юрган кезларида ҳам «Баёзи мутафориқаи форсий» деб номланган тўплам тузган эди. Огаҳийнинг асосий шеърий девони «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») деб номланган бўлиб, машҳур котиблар томонидан бир неча бор кўчирилган ва чоп этилган. Бу девон қўлёзмаларидан бири Ўзбекистон Фанлар Академияси Қўлёзмалар институти фондида 1529 рақамда сақланмоқда. Девонда ўн саккиз минг мисрадан ортиқ шеърлар бўлиб, ғазаллар энг асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбек халқининг кўпгина буюк алломалари, албатта, бирорта тарихий асар яратишга ҳаракат қилганлар. Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳам ушбу қадимий анъанани давом эттириб бешта мустақил тарихий асар ёзди ва бир неча тарихий асарларни форс тилидан ўзбекчага ўгирди. Жумладан, Оллоқулихон ҳукмронлик қилган даврни (1825-1843) воқеаларига бағишлаб «Риёз-уд-давла» («Давлат боғи»), Раҳимкулихон даврида (1843-1846) «Зубдат-ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи»), Муҳаммадаминхон замони воқеаларига бағишлаб «Жоме-ул-воқеоти султоний» («Салтанат воқеалари йиғиндиси»), Саййид Муҳаммадхон ҳукмронлик қилган даврни (1856-1865) воқеаларига бағишлаб «Гулшани давлат» ва Муҳаммад Раҳимхон Соний даврида (1865-1910) «Шоҳиди иқбол» («Иқбол шоҳиди») каби тарихий асарларни ёзди. Огаҳийнинг тарихий асарларида кўплаб муҳим тарихий маълумотлар келтирилганки, улар орқали биз Хива хонлигининг тўла тарихини билиб олишимиз мумкин ва бу асарлар халқимизнинг бебаҳо маънавий хазинасидир.

Огаҳий нафақат лирик шоир, муаррих, аллома, балки моҳир таржимон ҳам эди. Аллома кўҳна шарқ мутафаккирларининг нодир асарларидан йигирмага яқин дурдоналарни форсийдан ўзбекчага моҳирона таржима қилиб шуҳрат қозонди. Бу дурдоналар ичида «Тазкираи Муқимхоний», «Табоқати Акбаршоҳий», Мунис Хоразмий бошлаб қўйган Мирхоннинг «Равзат-ус-сафо» каби тарихий-илмий асарлар, «Аҳлоқи Мухсинии», «Насихатномаи Кайковус» сингари аҳлоқий-дидактик рисолалар билан бир қаторда Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Амир Хисрав Деҳлавий, Абдурраҳмон Жомий каби алломалар яратган бебаҳо бадиий асарлар ҳам бор. Огаҳий таржима соҳасига ижодий ёндошиб, содда, равон тилда, барча тушунадиган қилиб таржималар қилди. Зеро, маърифатпарвар Хива хонлари ҳамма асарлар халқ тушунадиган содда тилда ёзилишини талаб этиб, шу тариқа оммани маърифатли қилиш истагида эдилар.

Огаҳий тоғаси Мунис Хоразмий таржима қилиб улгурмаган Мирхоннинг етти жилдлик «Равзат-ус-сафо» асарининг иккинчи, учинчи жилдларини ҳам таржима қилди. Яна Огаҳий томонидан беш тарихий асарлар ҳам таржима этилган бўлиб, булар Муҳаммад Маҳдихоннинг «Нодирнома»си, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тазкираи Муқимхоний»си, Низомиддин Аҳмад Хиравийнинг «Табақоти Акбаршоҳий»си, Ризоқулихон Хидоятнинг «Равзат ус-сафои Носирий»сидан иборатдир.

Огаҳий серқирра истеъдод соҳиби сифатида ўзбек адабиётида ўзига хос муборак ўринни эгаллайди.

***Зулфия ҲАКИМЖОНОВА.***

## МУҲ А М М А С

*Бўлмас ҳосил муддао дема аҳди ёлғонга сўз,*
*Ихтиёр айлаб яна, асло дема ёмонга сўз,*
*Дил розинг десанг дегил, ки соҳиби иймонга сўз,*
*Эй кўнгил, одам ҳаёл айлаб дема нодонга сўз,*
*Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.*
*Сўз дурур инсонни ушбу оламда қилган бебаҳо.*
*Сўздир инсонга ўзлигин, ўзин англатгувчи даҳо,*
*Сўз қудрати бўлса ақл, унга берур зийнат ҳаё,*
*Сўздир инсон кўнглида бир гавҳари қимматбаҳо,*
*Они хор этма дебон ҳар йўқ хайвонга сўз.*
*Заргарки бор, билгуси бегумон зарнинг қадрини.*
*Шоир аҳлидан сўра сўзи зеварнинг қадрини,*
*Одами билгай кўнгил мулки гавҳарнинг қадрини,*
*Вах, на енглиг билгуси ҳайвон гуҳарнинг қадрини,*
*Ким топар ҳаз етса ул кунжорои сомонга сўз,*
*Инсон феъли турфадур бири жоҳил бўлса гар,*
*Бири одил хамсуҳбат, бири эса шуму қайсар,*
*Бири сангдил, сўз десанг, кетар сўзинг бесамар,*
*Сангдил жоҳилга тонг йўқ сўз агар қилмас асар,*
*Чунки, таъсир айламоқ мумкин эмас сандонга сўз,*
*Сўз қадр топмас, бемаврут сўз дейишга шошилмагил,*
*Учраган ҳар кимса сўз қадрин билар деб, билмагил,*
*Сўз қадрин билмас ила сўз баҳсига берилмагил*

*Ҳар ҳасосат шевага сўзингни зое қилмагил,*
*Сўз демоқ гар истасанг де соҳиби эҳсонга сўз.*
*Ҳақиқатдан йироқ сўз топмагай минг чўз, қадрини*
*Баъзилар сўзламас ҳақ гап қилиб юз-кўз қадрини,*
*Билмаслар ки бу ила ерга урар ўз қадрини,*
*Билмаган ўз қадрини не билгуси сўз қадрини,*
*Ҳайфдур доно демак нодони беурфонга сўз.*
*Сўз демоқлик хайф хамсуҳбат бўлса муттаҳам иним*
*Иғвогар бор жойда яхши бўлсанг сан агарки жим.*
*Сўз демоқдин олдин билгил сўзингни тинглайди ким,*
*Сўз қабул уммиди бирла демагил ҳосидгаким,*
*Одами маъқул этаолгай қачон шайтонга сўз.*
*Сўз кўнгил рози, асло баҳилга они демагил,*
*Бетайин, субутсиз ноаҳилга они демагил.*
*Бесамар кетар сўзинг ғофилга они демагил,*
*Раҳм этиб сўз холига жоҳилга они демагил,*
*Ким бўлиб безор ондин келгуси афғоинга сўз.*
*Англатолмай сўзин Усмон нодондан безордур,*
*Нодонла ким қилса суҳбат жонига озордур,*
*Ҳуноби ошиб оҳибат, жисми ҳам бемордур,*
*Олам ичра барча ишдин қоттиғу душвордур,*
*Огаҳий, маъҳул қилмоқ беҳаё нодонга сўз.*

*Усмон ЭГАМБЕРДИ.*

*Кулгига нима етсин*

## СОИБ ХЎЖАЕВ ҲАНГОМАЛАРИ

### УЧТА ҚАРЗ

Ўзбекистон Халқ артисти Машраб Юнусов «Тошболта ошик»да домла ролини ўйнаган. Спектаклда С. Хўжаев домлага:

— Сенинг учта қарзинг бор, — дейди.

— Қанақа қарзим?

— Бирламчи, қизингни ўғлимга берасан, иккиламчи синглингни ўзимга берасан, учламчи гўштга олган пулни чўзасан.

— Қанақа гўштга пул?

— Театрда берилган гўштга 10 сўм олганинг эсингдами? — дейди Соиб ака.

М. Юнусов довдираб қолади. Кулги кўтарилади.

### УЧГАН КАЛИШ

Бир куни «Тошболта ошиқ» спектаклида С. Хўжаев киядиган калиш йўқолиб қолиб, унга катта калиш бериб юборишади. Шу куни бир одам уйланганига 20 йил бўлганида, хотинини «Тошболта ошиқ»ка олиб тушган бўлади. Тошболта тепаман деганда катта калиш учиб келиб, ҳалиги хотиннинг бошига тушади. Хотини хафа бўлиб:

— 20 йилда бир марта театрга олиб тушиб, яна бошимга калиш билан урганиз нимаси? — деб эри билан жанжаллашади. Шунда С. Хўжаев саҳнанинг четига келиб:

— Ҳой, биродарлар, жанжални уйга бориб қилсангизлар ҳам бўлади, калишни менга узатиб юборинглар. Бўлмаса, сизларни деб, мен махсичан спектакл ўйнашимга тўғри келади, — дейди.

Залда гур кулги кўтарилади. Эр-хотин ҳам кулиб, чапак чалишади.

### АЗРОИЛДАН ҚОЧИБ

Соиб Хўжаев Марғилонга борганда «Юсуфжон қизиқ оғир ётибди», деб эшитадию, «бир кўриб чиқай» деб уйига боради. Борса, уйда йўқ. Уйдагилардан «Устоз қаердалар?» — деб сўраса, «Чойхонага чиқиб кетдилар», деб жавоб беришади. С. Хўжаевнинг кўнгли ёришади. «Худога шукур, чойхонага кетган бўлсалар демак, тузук бўлиб қолибдилар», — деб шу хаёл билан чойхонага боради. Юсуфжон қизиқ чойхонада сўрида чордона қуриб ўтирган эканлар, С. Хўжаев одатдагидек ҳазиллашиб:

— Уста, касал одам уйда маза қилиб ётмайдими? Чойхонада нима қилади? — дейди.

— Азроилдан қочиб чиқдим, Соибжон, — дейди Юсуфжон қизиқ.

— Уста, ўша азроил деганиз менман-да, мен шундай азроилманки, жонизни олмайман. Икки оғиз ширин сўз, бир пиёла кўк чой билан жонизни киритаман, — деб юзларини тавоб қилиб, кайфиятларини кўтарган экан.

***Ҳайдар МУҲАММАД.***

*(Давоми бор).*

*(Давоми. Боши ўтган сонда).*

*Дилкаш суҳбатлар*

# ҚУШИҚ ЙЎЛДОШ ЮРГАН ЙЎЛИМДА

***ИНСОН нима учун қўшиқ айтади? Нима учун қўшиқ тинглашни яхши кўради? Инсоният пайдо бўлганидан бери қўшиққа ошно. Ҳатто энг тошбағир одамнинг ҳам ўзи ёқтирган хонишлари бўладики, уни тинглаб, ўз умрини тарозига соладди. Гоҳида изтироб чекади, гоҳида шукроналар қилади.***

***Ўзбек миллий эстрадаси юлдузлари орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмовнинг ўз ўрни, ўз овози, ўз олами бор.***

**— Козимжон, ўзингизни эстрада хонандаси деб ҳисоблайсизми?**

— Йигирма беш йилдан бери эстрада қўшиқларини куйлаб келаман. Лекин устозларим машҳур ҳофизлар Маъмуржон Узоқов, Орифхон Хотамов, Фаттоҳхон Мамадалиевларнинг меросидан бўлган «Жонон бўламан деб», «Қаландар-1», «Ёввойи тановар» сингари ўнлаб мумтоз ашулаларни ҳам ижро этаман. Умуман, шу пайтгача 500га яқин қўшиқ ижро этганман. 300га яқини фонотекаларда сақланса керак. Бундан ташқари, 16-17та кинофильмлар учун ҳам ижроларим бор.

**— Мумтоз қўшиқларни ижро этганда унинг мусиқаси нима бўлади?**

— Бир галги суҳбатда ҳам менга: «Сиз ўзбек эстрадасига биринчи бўлиб мумтоз қўшиқларни олиб киргансиз», дейишган эди. Орифхон Хотамов, Орифҳожи Алимахсумовларнинг дуосини олиб бошлаганман бу ишни. Улар ижроимни эшитиб: «Сен айтсанг бўлар экан жуда чиройли чиқибди», деб оқ йўл тилашган эди. Шундан кейин «Гиря», «Куйғай», «Муножот» каби элга манзур ашулаларни янги оҳангларда айтдим. Албатта, улардаги қочирим, усуллар сақланиб қолган. Мақсадим — ҳозирги ёшларимизга ота-боболаримиздан мерос ашулаларни сингдиришдир.

**— Эстраданинг ўзи нима? Унга ўзбекона, лўнда қилиб таъриф бера оласизми?**

— Эстрада умумий тушунча. У АҚШда ҳам, Англияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам эстрада. Миллий эстрада — бу бошқа гап. Одатда синтезаторлар, гитаралар, дўмбиралар эстраданинг жони ҳисобланади. Уларга танбур, дутор, най, ғижжак каби миллий созларимизни қўшсак бўлмайдими? Ижродаги гўзал йўналишлар шу тариқа сақланиб қолади-ку! Миллий эстрада деганда миллий созлар жўрлигида айтиладиган қўшиқларни тушунаман. Менимча, юқоридаги саволингизга ҳам жавоб бердим чоғи.

**— Унда Фахриддин Умаров, Камолиддин Раҳимовлар ҳам эстрада хонандаси экан-да?!.**

— Улар замонавий қўшиқчилигимизнинг ажойиб намоёндалари. Тор, доира, дутор жўрлигида айтилган ашулалар ҳам жоннинг роҳати.

**— Ҳозирги эстрада хонандалари орасида сиз айтган таърифларга мос тушадиганлари кўп бўлса керак?**

— Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Кумуш Раззоқова, Улуғбек Отажонов, Салоҳиддин Азизбоев сингари юлдузларимиз анчагина.

**— Бир пайтлар, яна ҳам тўғрироғи, чорак аср олдин Ботир Зокиров, Луиза Зокирова, Юнус Тўраев, Эсон Қандов, Элёр Иброҳимов сингари ўз даврининг юлдузлари бўлар эди. Улар билан ҳозирги эстрада хонандалари орасида фарқ борми?**

— Ботир Зокировни устозим деб биламан. У билан бир саҳнада куйлаганман. Гарчи менга «мана буни бундоқ айт», деб ўргатмаган бўлсалар ҳам, у кишининг ижросида, саҳнадаги ҳаётидан кўп нарсалар ўрганганман. Саволингизга келсак, Ботир Зокировларнинг пайтида қўшиқчилар кам эди. Ҳозир эстрада хонандалари жуда кўп. Гуруҳлар жуда ҳам сероб. Рақобат жуда кучли. Назаримда, ўртадаги фарқ саҳна маданиятида бўлса керак. Ботир акалар саҳнага чиққанда залдаги томошабинлар жон қулоғини бериб тингларди. Улар шунга муносиб кийинишарди, шунга муносиб матн танлашарди, шунга муносиб одоб намойиш этишарди. Ҳозирги кўпгина ёшларимиз кечирсинлару, саҳнага ҳатто спорт майкаларида, ғаройиб кийимларда чиқишмоқда. Буни албатта, Ғарбнинг таъсири деб ҳисоблайман. Эстрада бу билан бирор нарсага эришиб қолмайди. Ёшларимиз миллий мусиқаларимизни, миллий либосларимизни эътибор бериб, қадрлашса жуда хурсанд бўлардим. Биласизми, миллий эстрадамиз йўқлиги учун ҳам хорижга кўпроқ фольклорчиларимизни, мумтоз қўшиқчиларимизни таклиф этишмоқда. Сабаби эстраданинг манман деган юлдузлари хорижда тиқилиб ётибди.

**— Эстрада хонандаси сизнингча қандай бўлиши керак?**

— Жуда билимдон, ўқимишли, маърифатли бўлиши зарур. Айниқса, ўз ижоди бўлган қўшиқнинг тарихини, муаллифини, бастакорини, яъни, адабиётимизни, санъатимизни чуқур билса, исталган мавзуда сиз билан суҳбат қура олса, айни муддао бўлар эди.

**— Илк марта ижро этган қўшиғингизни эслайсизми?**

— Нега эсламай?! Шароф Рашидов шеъри билан айтиладиган «Ширин келармиш» эди. Ушанда 1974 йил эди. Шу қўшиқ билан 1979 йилда Украинада бўлиб ўтган кўрик-танловда биринчи ўринни олганман. Шундан бери қўшиқ йўлдош юрган йўлимда

**— Ўзингизга ёққан шеърни куйга соласизми ёки бирорта шоир билан ҳамкорлик қиласизми?**

— Ҳар хил бўлади. Гоҳида бир шеърни ўқиб қоламан. Жуда ёқади. Мусиқа ёзилади. Кейин шоирини қидираман. Биргалашиб эшитамиз. Гоҳида бирор шоирга дилимдаги орзуни айтаман. Гўзал шеър ёзиб беради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пўлат Мўминнинг йигирмага яқин шеърларини ижро этаман. У киши кимга қандай қўшиқ мослигини жуда яхши биладилар. Ўзи аслида хонанда бир шоир ва бастакор билан ишласа кўп нарса ютади. Аслида қўшиқ уч ижодкор — бастакор, хонанда, шоирнинг ҳамкорлиги билан туғилади.

**— Ўзингиз ҳам шеър ёзасизми?**

— Йўқ. Лекин, мусиқа басталайман. «Райҳон», «Онажон», «Падари бузрукворим», «Ўйнаса», «Қизгина» каби қўшиқларим бор.

**— Қайси созда ижод қиласиз?**

— Дуторда, пианинода, гитарада. Бу кайфиятга ва руҳиятга боғлиқ.

**— Бастакорлар билан ҳам ишласангиз керак?**

— Истеъдодли бастакорлар кўп. Алишер Расулов, Дони Илёсов, Алишер Икромовлар билан кўп йилдан бери биргамиз. Мақсуд Бекмуродов деган ёш бастакор бор. Жуда истеъдодли. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Шукур Қурбон каби шоирларимизнинг шеърларини севаман. Умуман, яхши шеър қанча кўп бўлса, яхши қўшиқ ҳам кўпаяди.

**— Сизни хонанда бўлиб шаклланишингизда оилангизнинг роли борми?**

— Бор, албатта! Лекин авлодимда санъаткор йўқ. Устозодаларданман. Дадам Обидхўжа ака иморат устаси бўлганлар. Покиза, софдил инсон эдилар. Беш вақт намозни канда қилмаганлар. Кишиларнинг мушкулини осон қилсалар, хурсанд бўлардилар. Оилада етти фарзанд — икки ўғил, беш қизмиз. Ҳаммамиз олий маълумотлимиз. Жамиятдан ўз ўрнимизни топганмиз. Бир опам савдо ходими, бир опам вилоят Қизил ярим ой жамияти раиси. Акам ўлка тиббиёт институтида ишлайди. Шифокорлар кўпроқ. Отам доим: «Ҳунарни ўрганинг, зиёни тегмайди», дер эдилар. Болалигимда бешик тепасида йиғлаганимда, мени ўйнаб овутишар экан. Опаларим шундай дейишади. Мен ҳам қўлларимни чиқиллатиб ётар эканман. 132-мактабнинг бешинчи синфига ўтганимда, Ҳамза номли мусиқа билим юртига олиб боришган. Раҳматли устозим Обид акамнинг ғижжак синфини тамомлаганман.

**— Кейин театр-рассомчилик институтига боргансиз?..**

— Иккита институтни битирганман. Дастлаб Халқ хўжалиги институтини савдо бўлимини тамомладим. Ушанда ҳам институтдаги ансамблга қатнашиб юрардим. Барибир, санъатга ишқибозлик ғолиб келди. Театр ва рассомчилик институтининг режиссура ва актерлик маҳорати факультетини битирдим.

**— Режиссёрлик сизга қўл келадими?**

— Бўлмасам-чи! Ҳар бир қўшиқни ижро этиб, уни актерлик маҳорати билан моноспектаклга айлантирсангиз, қанчалар соз бўлади. Бир сўз билан айтгана, залдагиларни йиғласангиз йиғлатиб, кулганингизда кулдиролсангиз — бахтингиз. Режиссура айнан мана шу ерда керак бўлади.

**— Ўз оилангизда санъаткорлар борми?**

— Ҳозирча йўқ. Рафиқам Мухлисахон иқтисодчи. Учта фарзандим бор. Мактабда ўқишади. Лекин ўртанча қизимнинг овози жуда яхши. Инглиз тилига мослашган мактабда ўқигани учун инлизча қўшиқларни жуда келиштириб айтади. Ҳатто Селен Дионнинг қўшиқларини ҳам. Лекин бирор нима дейишга ҳали эрта. Мабодо ёрдам зарур бўлса, яхши санъаткор бўлишига кўзим етса, албатта ёрдам браман.

**— Ўзбек эстрада санъатининг келажагига қандай қарайсиз?**

— Ҳозир гуруҳлар ҳам, қўшиқчилар ҳам жуда кўп. Айниқса, мусиқаларнинг ранг-баранглигини айтмайсизми! Лекин уч-тўрт йилда ҳамма нарса жой-жойига тушиб кетади. Дон донга, сомон сомонга ажралиб қолади. Биз шу Ватаннинг фарзандлари эканмиз, унинг муҳаббати, унга бўлган садоқатимиз, миллийлигимиз — санъатимизнинг асл пойдевори бўлиши керак. Мана шу пойдеворга қурилган қўшиқ — у хоҳ мумтоз бўлсин, хоҳ эстрада жанрида бўлсин — халқимизнинг маънавий мулкига айланади.

**— Ёшлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Ёшлар жуда кўплиги мени қувонтиради. Улар орасидан келгусининг яхши созандалари, хонандалари, албатта етишиб чиқади.

**— «Тошкент ҳақиқати» муштарийларига қандай тилаклар билдирасиз?**

— Бу газетами гўёки тез-тез ўқийман! Ёзуда эзгу мақолалар чиқади. Мен бу газета ишчиларига омад ёр бўлишини, ҳамма орзу нияятларига етишларини тилаймаман.

Ёзиб олдим

***Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.***

# «МУЛОҚОТ» МУЛОҚОТДА

***РЕСПУБЛИКАМИЗ ўз мустақиллигига эришган йилдан нашр қилина бошлаган «Мулоқот» журнали ҳақиқий маънода истиқлолимиз қуйчисига айланди. Бу йиллар ичида у ўзининг кўпсонли мухлисларига, муштарийларига эга бўлди.***

Биринчи сонидан бошлаб буюк Навоийнинг «Одами эрсанг демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидин ғами» деган ҳикматли сўзларини ўз шиорига айлантирган журнал халқимиз ҳаётининг турли жабҳаларини ўзида мужассамлаштириб келмоқда. Айниқса, журналда ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маънавият, иқтисод, тарих ва адабиёт масалаларига кенг ўрин берилди. Журнал бугунги кунда ҳам ушбу йўналишни муваффақиятли тарзда давом эттирмоқда. Ушбу фикрга ишонч ҳосил қилиш учун журналнинг биргина 1999 йилги сонларини варақлашнинг ўзи кифоя. Ёдингизда бўлса, журналнинг 1-сонида ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Абдусаид Кўчимов саволларига мухтасар жавоблари эълон қилинди. Шу сондаги Назрулла Жўраевнинг «Етти йил муҳжизаси ёки XXI асрга назар», Рашид Рауповнинг «Пул ва ахлоқ», Ғайбуллоҳ асСалом суҳбати, С. Чориевнинг «Баркамол инсон — инсонпарвар жамият маҳсулоти», М. Жакбаровнинг «Фаробийнинг адолатли жамият орзуси», А. Ўринбоевнинг «Хожа Аҳрор Валийнинг Алишер Навоийга мактублари», С. Ҳасановнинг «Авесто — ҳуқуқ манбаи» мақолалари ҳам ўзининг долзарблиги, ўқувчи маънавиятини бойитишга ўз ҳиссасини қўшиши билан ажралиб туради.

Айниқса, журналда ўтган йили тарихий, адабий мавзуларга бағишланган мақолалар ўзининг ўқимишлиги, бугунги кун нуқтаи назаридан туриб холисона ёзилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Айтиш мумкинки, журналда чоп этилаётган ҳар бир мақола тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, инсонлар онгига мустақиллик руҳини сингиришга, улар қалбини мусаффо қилишга бағишланган. Бу борада Т. Ортиқовнинг «Руҳ тарбияси, «Н. Ражабовнинг «Бола бошидан», Х. Муҳаммадхўжаевнинг «Ишқ аҳлининг амири», Н. Жумахўжаевнинг «Увайсий», А. Жузжонийнинг Машраб ижоди ҳақидаги «Вахдат уммонининг ғаввоси», яқиндагина тўйлари нишонланган буюк саркарда Жалолиддин Манғуберди ва «Алпомиш» достони ҳақидаги мақолалари ажралиб туради.

Обуна-2000

Журнал ижодий жамоаси янги — 2000 йилда ҳам ўз анъанавий йўлларига содиқ қолиб, халқимиз маънавиятини баҳоли қудрат янада бойитишга бел боғлаган. Журналхонлар кейинги йилнинг бошидаги журнал саҳифаларида Н. Жўраевнинг «Миллат ва Ватан тимсоли», А. Саидовнинг «Демократия ва жамият», Н. Тожибоевнинг «Виждон эркинлиги ва диний эътиқод», А. Чориевнинг «Ижтимоий инерция ва шахс мустақиллиги», О. Юсуповнинг «Камолат — илм ва эътиқодда», Б. Аҳмедовнинг «Мутрибий тазкираси», Р. Ғайбуллаевнинг «Хусусий тадбиркорлик ва солиқ», М. Жакбаровнинг «Уйғониш даври фалсафаси», В. Раҳмоннинг «Лисон-ут тайр» достонининг 500 йиллиги», Г. Сотимовнинг «Шоҳжаҳон», Д. Ҳидоятовнинг «Ҳуқуқий маданият ва мерос», У. Ҳасановнинг «Ҳаёл ва орзу олами» каби бир-биридан қизиқарли мақолалари билан танишишлари мумкин. Шунингдек, доимий тарзда ёритиладиган «Мулоқот» дафинаси», ҳар хил ажойибот ва сиҳат-саломатлик ҳақидаги мақолаларни ўқишга муяссар бўладилар. Хуллас, «Мулоқот» журналига 2000 йил учун обуна бўлсангиз асло ютқазмайсиз, оилангиз билан бир дунё маънавий бойликка эга бўласиз. Журналимиз энг арзон нашрлардан, бир йилда 6 марта дунё юзини кўради. Бир йиллик обуна баҳоси 884 сўм, холос. Сизлар билан, азизлар, 2000 йилда журнал саҳифаларида учрашамиз, деб умид қиламиз.

***Нормўмин ОЧИЛОВ, журнал бўлим мудири.***

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

*Кураш ойлиги*

## ҲАМ БЕЛЛАШУВ, ҲАМ БАЙРАМ

***ИЛГАРИ хабар қилганимиздек, республикада бошланган кураш ойлиги билан боғлиқ мусобақа ва турли оммавий тадбирлар вилоятимиз шаҳар ва туманларида қизғин тус олмоқда.***

МАМЛАКАТИМИЗ ифтихори бўлган энг оммавий спорт тури — ўзбекона кураш мустақиллик йилларида янада кенг қулоч ёзиб, жаҳон спорт майдонига дадил чиқиб олди. Чунончи, бу йил Тошкентда ўзбек кураши бўйича илк бор биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди. Кўпгина мамлакатларда кураш федерациялари ташкил топди. Республикамизда эса Халқаро кураш ассоциацияси тузилди. 10 декабрдан 10 январгача давом этадиган кураш ойлигининг ташаббускорларидан бири Халқаро кураш ассоциацияси эканлиги ҳам ўзбек курашининг жаҳонда тан олинган спорт турига айланганлигини кўрсатади.

Вилоятда кураш ойлигининг ҳар жиҳатдан ўюшқоқлик билан ўтиши, унинг янада оммавийлашувини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими махсус қарор қабул қилди ва у айни кунларда барча шаҳар ва туманларда ижро этилмоқда. Кураш ойлигининг боришини ҳоким қарори билан тузилган махсус ташкилий қўмита жиддий назорат қилиб турипти.

Жойларда алоҳида жадваллар асосида ўтказилаётган кураш мусобақаларидан ташқари мамлакатимиз спорт юлдузлари ва фахрийлари билан аҳолининг учрашувлари, давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Кураш ойлигига байрамона тус бериш мақсадида вилоят маданият ишлари бошқармаси беллашув ва учрашувларга бадиий жамоаларни жалб этмоқда. Бундай чора-тадбирларнинг вилоятда ўзбек курашининг тарбиявий аҳамиятини янада оширишга, унинг оммавийлигини таъминлашга ҳамда миллий курашнинг ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

*Об-ҳаво*

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 18-22 декабрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг айрим ҳудудларида қисқа муддатли ёмғир бўлиши эҳтимоли бор. Кечалари ва эрталаблари туман тушади. Ҳарорат кечалари 3 даража совуқ, 2 даража илиқ, кундуз кунлари 3-8 даража атрофида илиқ. Шу даврнинг охирига бориб ҳарорат кўтарилади. Кечалари 1-6, кундуз кунлари 13-18 даража атрофида илиқ бўлади.


**«Ўзбек Давлат цирки» Республика бирлашмаси ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!**

1999 йил 24 декабрдан 2000 йилнинг 9 январь кунлари — мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида

**«ЦИРКДА АРЧА»**

**ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА «ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАГИ»**

Цирк санъатининг барча жанрлари ва ўргатилган ҳайвонлар қатнашади.

**ТОМОШАЛАР:**

*24/XIда — соат 12.00, 14.00да;*
*29/XIда — соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00да;*
*31/XIда — соат 16.00да;*
*1/Iда — соат 18.00да;*
***2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9/Iда соат 18.00да***
**БОШЛАНАДИ.**

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. 50дан ортиқ чипталар ташкилотларга қўшимча тўловсиз етказиб берилади.

Чипталар цирк кассалари ва туман кассалари орқали сотилади.

**Ҳақ тўлаш усули — сизга маъқули!**
**Касса соат 9.00дан очиқ,**
**Маълумот олиш учун телефонлар: 144-35-91, 144-41-81.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0988. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6